

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК:338.2(510)

ББК:65.9(5 кит)

Ҳ-25

НОРАЛИЕВ ЗАЙД САИДГАНИЕВИЧ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ДАВРИДА ХИТОЙ ИЖТМОИЙ – ИКСОДИЙ
РИВОЖЛАНШИДА ДАВЛАНИНГ РОЛИ

Илмий раҳбар: т.ф.н. Абдуллаев. У.

Тошкент-2014

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният XX асрнинг сўнгги 10 йиллигидан бошлаб, янги тарихий даврга кадам қўйди ва истиқбол ривожланишининг янги йўналишларини белгилаб олмоқда. Бу тарихий давр хусусиятлари, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шиддатлик билан ўзгаришида давом этмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларига доир анъанавий шаклланган тушунчалар мазмуни, ғоявий-мафкуравий муносабатлар кўлами, характери горизонтал ва вертикал йўналишларда ўзгармоқда. Бу дунё миқёсида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларнинг глобаллашуви, интеграциялашуви, универсаллашуви ва интенсивлашувида ўз ифодасини топтомоқда. Айнан ана шундай жараёнларда миллатнинг, Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топишига бўлган интилишлари кучаймоқда. «Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз»¹.

Истиқлол туфайли янгиланиш ва бунёдкорлик йўлидан бораётган миллат ва давлат, жамият бошқарувининг ўзига хос миллий тарихий тажрибаларига, анъаналарига асосланади. Бошқача айтганда, демократик миллий давлатчиликнинг тарихий бошқарув мероси, тажрибалари бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаб бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейин демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишининг концептуал асослари яратилиши билан, ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда тарихий миллий маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам,

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.70-71.

ортиб бормокда. Зеро, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топиши ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб бориши янги типдаги инсон шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда. Президент И.А.Каримов «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹ — деб таъкидлайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, унда демократия тамойиллари бўлган иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш орқали иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган. Бу борада жаҳондаги ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий тараққиётидаги масалаларни кўриб ўтишимиз мумкин.

Хитойда давлат томонидан амалга оширилган модернизация жараёни бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур тараққиёт йўлини босиб ўтишда давлатнинг олиб борган сиёсати тўғри йўналтирилганлиги ўзининг бугунги кундаги яққол исботини топмокда. Хитойда нима қурилиши, унинг қайси йўлдан юриши, унинг ғарб демократиясига бўлган муносабати ҳеч қайси анъанавий қолипга, яъни на социализмга на либерализмга тўғри келмайди. Хитойда олиб борилган иқтисодий ислохотлар замирида “Тажриба ҳақиқат мезони” деган шиор асос қилиб олинган.² Мавзунинг бугунги кунда ҳам долзарблиги дунё олимлар назаридан тушмаган. Хитойнинг ишлаб чиқаришга қаратилган сиёсати иқтисодий манфаатларни кўзлаган мақсадда давлат томонида амалга оширилганлиги, мамлакатдаги эркинлаштириш сиёсатининг қонуний пойдеворининг асослаб берилиши

¹Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13.-Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - Б.177.

²Ден Сяопин. Избранные труды(1975-1982). – Пекин, 1983. – С.8-9.

Хитойнинг иқтисодий тараққиётига катта хисса қўшди. XX асрнинг иккинчи ярмида Хитойдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар дунё мамлакатлари ичида катта мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ва оддий сиёсий танқидчилар орасида кўп йиллардан бери Хитой социализми ҳақида бонг уриб гапиришлари бу сирнинг нимада эканлигини, давлат ривожига қандай устувор йўналишларга эга деган савол билан киши диққатини ўзига тортади. Бу саволга жавобни аниқ маълумотларга таянган ҳолда, улкан давлатнинг ўттиз йиллик босиб ўтган йўли ва унинг ўзига хос иқтисодий ютуқларида кўриб ўтиши мумкиндир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Хитойда давлат томонидан олиб борилган модернизация жараёнининг асосий омиллари ва ижтимоий-иқтисодий такомиллаштириш босқичларини ўрганиш мавзунинг асосий мақсади ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, давлат томонидан қабул қилинган модернизациялаштириш концепциясининг назарий асосларини таҳлил қилиш;

Иккинчидан, давлатнинг устувор йўналишларидаги ислохотлар тизимини, ва мамлакатдаги ижтимоий ўзгаришларнинг ҳаётга таъсири уйғунлашуви жараёнини очиқ бериш;

Учинчидан, Хитой коммунистик партиясининг мамлакатни модернизация қилиш жараёнида, демократизация ва кўппартиявийлик сиёсати ҳақидаги фаолиятини ўрганиш;

Тўртинчидан, ислохотлар тизгинида ҳуқуқий тизимдаги ўзгаришларда қабул қилинган қонунларнинг ҳаётий зарурияти, амалдаги тадбиғи ҳақидаги маълумотларни таҳлил этиш;

Бешинчидан, Хитой коммунистик партиясининг социалистик бозор иқтисодиёти тизимини яратилишининг асосий тамойиллари ва дастурларини очиқ бериш;

Олтинчидан, модернизация йилларида давлат институтларидаги ўзгаришлар ва уларнинг либераллашувига оид маълумотларни ўрганиш;

Еттинчидан, иқтисодий устуворлик сиёсати орқали мамлакатда ижтимоий масалаларни тўғри ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги янгилик ва маълумотларни ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Хитойда модернизация даври тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Хитойда олиб борилган модернизация даврида Хитой ҳукумати тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Хитойга хос бўлган янги ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш орқали, Ден Сяопин назарий фаразларининг амалий натижаларига тўхтатиб ўтилган. Бу жараёнда Хитойга бўлган анъанавий кўз қарашлардан фарқли ҳолда, мамлакатдаги илмий фаразларнинг концептуал асослари ва таҳлилий хулосаларига ёндашилган. Чунки хитойда қадимдан фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда улар ўртасидаги курашлар доимо бўлиб келган.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Диссертацияни тадқиқ қилиш жараёнида Ден Сяопин, Ду Жуньшэн, Дун Фужэн, Дэн Лицзюнь, Сян Чэнь Юньларнинг назарий асосга эга бўлган¹, Хитой иқтисодиётига оид маълумотларни ўзида мужассамлаштирган, танланган асарлардан фойдаланилган. Шунингдек, баъзи Хитой давлат арбобларининг маърузалари ҳамда давлат модернизация жараёнидаги янги танқидий фикрлар алоҳида ўрин олган¹. Хитойлик тадқиқотчилардан Чэнь Шуле,

¹Дэн Сяопин вэньсюань. Ди сань цзюань. (Избранное Дэн Сяопина. Т.3). – Пекин, 1993; Ду Жуньшэн. Чжунго нунцунь цзинцзи гайгэ. (Реформа сельской экономики Китая). – Пекин, 1985; Дун Фужэн. Шэхуйчжуи цзинцзи чжиду цзи ци ююэсин. (Экономический строй социализма и его преимущества). – Пекин, 1981; Дэн Лицзюнь ва Сян Чэнь Юнь. Тунчжи сюэси цзо цзинцзи гунцзо. (Учиться ведению экономической работы у товарища Чэнь Юня). – Наньчан, 1981.

¹Цзян Цзэминь. Данцянь ды цзинцзи гунцзо. (Об экономической работе в настоящее время). // Жэньминь жибао, 02.06.1993; Цзян Цзэминь. О китайском социализме с китайской спецификой. – Москва, 2002.

Цзянли Юй. Шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи сян шиин ды сяньдай цие чжиду (Создать соответствующую системе социалистической рыночной экономики систему современных предприятий). // Жэньминь жибао. 21.12.1993.

Чэнь Вэньхуй, Ши Чжаоюй, Юй Гуанъюань, Сунь Шанцин, Сюэ Муцяо асарлари ва мақолларида Хитой иқтисодиётининг йўналишлари ва ривожланиш тамойиллари изчил таҳлил қилиниб, давлат модернизация жараёнига ижобий баҳо берилган².

Рус тадқиқодчиларидан Титаренко М.Л, Переломов Л.С, Егоров К.А, Наумов И.Н, Баженова Е.С, Балюк И.А, Зубарев А.Е. нинг монографиялари жуда чуқур таҳлилга эга бўлиб, Хитойнинг иқтисодий имкониятлари даражасида қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар рус олимлар назаридан четда қолмаган.³ Шунингдек ғарблик олимларнинг Хитой ислохотлари ҳақидаги маълумотлари ҳам эътиборимиздан четда қолмаган бўлиб, Натон Барри, Лао Ловренс, Жин Лерой, Бовлс Паол ва Вайт Гордон каби тадқиқотчилар бозор муносабатларида Хитойнинг ривожланиш жараёни унинг механизмларининг давлат бошқарувида асосланганлиги очиқ берилган⁴.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Хитойда кечаётган ислохотларни тарихий нуқтаи назардан аниқ далиллар асосида ёритиб беришга асосланади. Бу жараёнда Хитойнинг йирик давлат арбобларидан Ден Сяопиннинг назария ва концепциялари муҳим ўрин олган. Хитойдаги модернизация жараёнларидаги ўзгаришларда ХКПнинг айрим қарашларига танқидий кўз қарашлари назарда тутилган. Тадқиқот иши объективлик ва ҳаққонийлик асосида тарихий воқеликларни очиқ бериш мезонларига асосланади.

² Чэнь Вэньхуй. Чжунго цзинцзи цзегоу гайлунь (О структуре экономики Китая). - Тайюань, 1994; Чэнь Шуле, Дин Цзиньпи, Чэнь Найсин. 90 няньдай Чжунго гунъе (Промышленность Китая в 90-е годы). – Пекин, 1993; Сунь Шанцин. Лунь цзинцзи цзегоу дуйцэ (О политике в области экономической структуры). Пекин, 1984; Сюэ Муцяо. Вого гоминь цзинцзи ды тяочжэн хэ гайгэ (Урегулирование и реформа народного хозяйства нашей страны). – Пекин, 1982.

³ Титаренко М.Л. Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. Отв. ред.: - Москва, 1994; Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – Москва, 1992; Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – Москва, 1992.

⁴ Bowles, Paul and White, Gordon. The Political Economy of China's Financial Reform. – San Francisco, 1993; Chan Steve. East Asian Dynamism. Growth, Order, and Security in the Pacific Region. – Boulder, 1993; Naughton Barry. Deng Xiaoping: The Economist. China Quarterly. – London, 2009; Lau, Lawrence. Models of Development. A comparative Study of Economic Growth in South Korea and Taiwan. – San Francisco, 2004.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертация Хитойдаги модернизация жараёнида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда давлатнинг ўрни ва унинг иштироки масалаларини камраб олган. Тарих, сиёсатшунослик, иқтисодиёт йўналишидаги талабаларга илмий маъруза сифатида, ҳамда методологик жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, очиқ илмий маърузалар ўқишда амалий қўлланма сифатида тавсия этиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясида энг янги даврда Хитойда модернизация жараёнида давлатнинг ўрни илмий тадқиқот иши сифатида замонавий тарих нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда илмий таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг кўзда тутилган илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Хитойдаги модернизация жараёнига оид ғарб, рус ва хитой тилларидаги адабиётларнинг қиёсий таҳлили орқали ўрганиб чиқилди;

- Хитойда мавжуд бўлган шарт-шароитлар асосида йўлга қўйилган иқтисодий барқарорлик янги босқичга етиб келганлиги ва давлат томонидан амалга оширилган ислохотларнинг кўлами мамлакат бўйлаб унинг тараққиёт омиллари хитой тилидаги адабиётлари орқали ўрганиб чиқилди;

- Яратиб берилган шарт-шароитлар асосида аҳолининг барча қатламлари ўз иқтисодий манфаатдорликлари нуқтаий-назаридан тадбиркорлик йўналишларида фаолият олиб бордилар;

- Давлатнинг кучли иқтисодий пойдевори натижасида мамлакатдаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариши ва бунинг натижасида мамлакатнинг экспорт салоҳияти янада ортиб боргани аниқланди;

- Қонун устуворлиги туфайли барча тармоқларга эркинликлар яратиб берилиши, ҳуқуқий нормативларнинг қайта ислоҳ қилиниши

натижасида, давлат бошқарув институтларида ҳам бюрократизм иллатларига чек қўйилди;

- Ижтимоий ва экологик ҳимоя тизимининг такомиллашуви натижасида аҳоли ўртасидаги янгича ёндашувларга сабаб бўлиши бу жараёнда давлатнинг ўрни етакчи эканлигини кўрсатди.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

И БОБ. ХИТОЙДА ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНДА ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ РОЛИ

1. Хитой модернизациясининг назарий йўналишлари

XX асрнинг иккинчи ярмида Хитойдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар дунё мамлакатлари ичида катта мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ва оддий сиёсий танқидчилар орасида кўп йиллардан бери Хитой социализми ҳақида бонг уриб гапиришлари бу сирнинг нимада эканлигини, давлат ривожига қандай устувор йўналишларга эга бўлиши лозимлиги киши диққатини ўзига тортади. Бу саволга жавобни аниқ маълумотларга таянган ҳолда, улкан давлатнинг ўттиз йиллик босиб ўтган йўли ва унинг ўзига хос иқтисодий ютуқларида кўриб ўтиш мумкин.

Хитойда нима қурилиши, унинг қайси йўлдан юриши, унинг ғарб демократиясига бўлган муносабати ҳеч қайси анъанавий қолипга, яъни, на социализмга ва на либерализмга тўғри келмайди.

Шунинг учун ҳам хорижий экспертлар Хитойнинг социализм йўли билан ривожланишига ишончсизлик билан қарайди. Олимлар Хитойда бўлиб ўтаётган ишларни маълум бир тизим бўйича, яъни собиқ Иттифоқ ва шарқий Европанинг тажрибаси асосида бўлган таққослари орқали ўрганиб келинган. Зеро, ҳар бир давлатнинг қисқа давр ичида бундай юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши, унинг тизимли равишда босқичма-босқич юқори кўрсаткичда ривожланишини тақозо этади.

Социализмнинг амалий ҳамда назарий асослари ҳар томонлама танқидга учраган бир даврда, хитойдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги кескин ўзгаришлар уларнинг қарашларини тубдан ўзгартириб юборди.

Хитой танлаган социалистик йўл ҳақиқатдан ҳам, бир тузумдан иккинчи тузумга фармацион йўл орқали ўтиб, турли хил тарихий

босқичларни ўзида мужассамлаштирган. Хитойни тезроқ порлоқ ва социалистик давлат қилиб кўргиси келганлар «дарёни ўтаётганда тошларни пайпаслаб ўт» деган фикрни олға суриб келганлар¹. Хитой қаерга қараб йўл олмоқда, социализмгами ёки капитализмгами? Бу саволга жавоб олиш учун биз бир неча омилларга эътиборни қаратайлик: биринчидан, Хитой хитойликлар учун яхлит ўзига хос тушунча; иккинчидан, Хитой ўзига хос социализм йўлидан бормоқда; учинчидан, Хитой қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришиб келмоқда.

Хитой бошқарув тизими 30 йил мобайнида йиғилган тажриба ва билимлар асосида очик эшиклар сиёсатини олиб бориб, Хитойга хос социализм йўлини босиб ўтди. Мамлакатда бутунлай камбағалликни йуқ қилиш мақсадида, ўрта ҳол аҳоли синфини, яъни «сяокан» тизимини яратиш масаласи асос қилиб олинди².

«Буюк инқилобий маданият» якунланганидан сўнг Хитойда жуда қийин ҳолат юзага келганди. Шунинг учун ҳам Хитой компартиясининг кўпгина вакиллари ва хорижий таҳлилчилар Дэн Сяопиннинг сиёсий ислохотларини мафкуравий тизимга қараб эмас, балки бозор иқтисодиётига қайтиш фикрларини илгари сурган дейдилар. Бу ҳақидаги баҳс-мунозаралар хитойликлар орасида ва хорижда бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Мазкур мавзу юзасидан доим қизғин баҳс-мунозаларга сабаб бўлганлиги боис, Хитой компартиясининг ўтказган ХВИИИ съезди ҳам бундан мустасно бўлмаган³.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) бош қотиби Цзян Цземин “Сўнгги йилларда бизнинг мамлакатимиз сиёсий йўналишда ижобий йўлда катта пойдевор қўйилди”—деб таъкидлаганди. Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки хитой халқи ўртасида тўртта асосий принципга қарши бўлган фикрлар айтилиб турилган. Шу сабабли партияларнинг бир нечта сони у ёки бу

¹Титаренко М.Л. Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. – Москва, 1994. – С.105.

²Ден Сяопин. Избранные труды(1975-1982). – Пекин: 1983. – С.10-12.

³XVIII Всекитайского собрания народных представителей Китайской Народной Республики (документы), – Пекин: 2012. (src.people.com.cn -ХКП расмий сайти).

оқимга тушиб қолар эди. Айримлар очикчасига ғарб сиёсатини мақбул кўриб, кўппартиявийлик ва парламент демократиясини илгари сурган эдилар.

Мао Цзэдун ва Дэн Сяопин назарияси бўйича партия ва бошқариш томонлари бўйича норозиликларга сабаб бўлган. Айримлар очикчасига кийкирик овозлари билан либерализациялашган буржуазияга ноҳақ равишда 1989 йилда тартибсизликларни бошлаганлар. Айрим кишилар тартибсизлик, ибо-ҳаёсизлик, жинсий зўравонлик ғоялари илгари сурилган китобларни нашр эттирган эдилар. Айримлар эса сиёсий ислохотларни шубҳага олиб партиянинг асосий сиёсий йўналишига қарши очик чиқмоқчи ҳам бўлганлар.

Хитой олий бошқарув органи “Асосий хавфни партия ва давлат мансабдорларининг (порахўрлиги)дадир” деб ҳисоблаганлар¹. Хитой компартиясининг халқ орасидаги обрўсини йўқ қила оладиган нарса бу порахўрлик деб эълон қилинди. Халқ орасидаги келишмовчиликлар сабаби социализмга ўтишда, бойларнинг камбағаллардан, шаҳарни қишлоқдан, ривожланган ва қолоқ каби икки гуруҳга бўлишдан иборат эди. Уларнинг норозилиги мана шу иллатга қаратилган эди. ХВИИИ съездда шу муаммоларни Ху Цзиньтао инобатга олиб ўтди. Катта ютуқлар билан биргаликда олдинда жуда кўп тўсиқлар ва қийинчиликлар бўлишини айтиб ўтди. Бу ҳолатни истеъфодаги Хитой компартияси бош котиби: “Бу жуда ҳам долзарб тенгсиз, мувозанатсиз ва мустаҳкам ривожланишсиз, чегараланган техник янгиликлар, рационалсиз ишлаб чиқариш, ривожланган қишлоқ хўжалиги, тансиқ бўлиб турган моддий ресурслар ва атроф муҳитнинг ёмонлашуви, экологик ўсишнинг йўқлиги ўзи билан қийин масалаларни олиб келади. Ҳали ҳам қишлоқ ва шаҳар орасидаги фарқнинг катталиги, топилган маблағнинг рационалсиз тарқатилишидадир. Социал танқидий фикр ва бошқа халқнинг орасидаги муаммолар

¹Hsueh Tien-tung, Woo Tun-oy. The Economics of Industrial Developments in the People's Republic of China. – Hong Kong. 2001. – P.46.

одамларнинг ҳали ҳам текин ўқиш, ишга жойлашиш, нафақа олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, озиқ-овқат ва доридармонларнинг хавфсизлиги биринчи ўринда турмоғи лозим” деб ҳисоблайди¹.

Бу ҳолатда Дэн Сяопиннинг социализми иш бермайди. Таъкидланишича, Хитойнинг ривожланиш йўллари Дэн Сяопиннинг таъкидлаши бўйича социализм тушунчаси: “Социализмнинг асоси – бу эркинлик ва ишчи кучларини ривожлантириш ва эксплуатацияни йўқ қилиш охир оқибатда ўрта аҳоли қатламга эришиш” деб ҳисоблайди².

Дэн Сяопин нафақат Хитой социализмини ўзига хослигини, балки капитализм ҳақидаги муносабатларига янгиликлар киритди. 80-йилларнинг ўзидаёқ Хитой муаллифлари эски моделнинг, социализмнинг қулайлигини ёритиб бера олмаслиги ва ўзининг ишчи кучига тўхтам бўлишини таъкидлаб ўтишган. Хитой компартия вакили Ли Кэ аниқлик билан Хитойнинг ўзига хос социализмини 3 та тамойилга бўлган³:

- 1) Хитойда шахсий мулк структураси, яъни кўп тармоқлик иқтисод;
- 2) Ҳар хил турдаги ишларни тақсимооти;
- 3) Бозор иқтисодиётини давлат бошқарувига олиб ўтиш ва унинг ресурслари тақсимланишидан иборат.

Хитой бошқарув маъмурияти ва назарияшунослари мамлакатни ўзига хослигини билиб, “Социализм узлуксиз бозор муносабатлари асосида юзага келади. Улар бошқа тизим мамлакатига тўғри келмаслигини яхши англаганлар ва тушунадилар” деб баҳо берган эдилар. Улар Мао Цзэдун билан бўлиб ўтган воқеадан сўнг, ўзиларига сабоқ олдилар. Мао Цзэдун ўз навбатида саноатлаштиришни ривожлантирмай туриб, бирдан

¹ Ли Пэн. Доклад о девятом пятилетнем плане экономического и социального развития и перспективно-целевой программе до 2010 года. Зачитан 5 марта 1996 на IV-ой сессии ВСНП VIII созыва. – Пекин. 1996.

² Юй Цзуюа. Шэхуйчжуи шанпинь цзинцзи лунь (Теория социалистического товарного хозяйства) // Цзинцзи яньцзю, 1984. №11. – С.12-14.

³ Ли Пэн. Доклад о работе правительства. Зачитан на 1-ой сессии ВСНП VIII-го созыва 15 марта 1993 г.

коммуникацияларга сакраб ўтди. У экологик ресурсларни, техникани йўқлигини ишчи кадр йўқлигини, Хитой аҳолиси кўпчилиги саводсизлигини инобатга олмаган эди. Бу сиёсати Хитойни камбағал социализмга олиб келишининг бир уриниши эди. Дэн Сяопин замонавий ижтимоий-иқтисодий ўсишни “социализмнинг боши” деб атади. Бундан ташқари “Хитойлаштириш”га биринчи қадам ташлади. Бу ҳол халқ томонидан “фаровон ҳаёт”нинг бир кўришини эди¹.

20 асрнинг 80-йилларида Хитой компартияси иқтисодий муносабатларини қуйидгича такомиллаштирди:

- Бозор муносабатлари механизмида ишчи кучини ривожланиши;
- Кўп тармоқли иқтисодни сақлаб қолиш;
- Ишлаб чиқаришда ишчи кучини социалистик бозор иқтисодиётига мос рақобатлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни узоқ муддатга сақлаб қолиш;
- Бозор муносабатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда ишчи кучини шаҳарда ва қишлоқларда ривожлантириш, капитал рақобатбардошликни ва ишчиларни меҳнат қилишга ундаш;
- Социалистик принципда пулни тўлашда ва бошқа йўллар билан пул бериш (маош тўлаш), ишлаб чиқариш захирасини сақлаб қолиш.

Бундан ташқари Дэн Сяопин одамларни ўзини бир жойда тўхтаб қолмаслигига, ишчилар сафида қолиб кетмасликка ундаган. 1979 йилнинг март ойида Хитой компартияси аъзолари олдида аниқ тўртта шиор мақсад қилиб олинди:¹

- 1.Социалистик йўлда курашни давом эттириш;
- 2.Пролетариат бошқаруви учун кураш;
- 3.Компартия томонидан бошқарув учун кураш;
- 4.Мао Цзэдуннинг фикрларини олға суриш.

¹Чжунго цзиньдай цзинцзи ши. (Ся чэ). Сычуани, сделать больше для государства и народа). – Чэнду. 1978. – С.89.

Ҳозирги кунда Дэн Сяопин фикрлари юқоридаги тўртинчи принципга қўшилган. Ху Цзинтао Хитойнинг замонавийлаштирилишига ва бугунги кундаги қурилишлар олиб борилишига 3 принципти айтиб ўтган:

1) 100 йил давомида Хитой Халқ Республикаси Хитойни бой, кудратли, демократик ривожланган, социалистик уйғунлашган давлат бўлади;

2) Халқнинг асосий қарши фикрлиги бари бир ўзгартирилмасдан қолиб кетди, яъни халқларнинг талаби қондирилмади;

3) Хитойнинг халқаро ва катта ривожланган мамлакат сифатида ўзгармас обрўсини сақлаб қолди.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар Хитой компартиясининг анча ўзгармаслиги ҳақида далолат беради¹.

Хитой компартиясининг бошқарув маъмурияти Хитой аниқ тажриба ва ижтимоий ҳолатига йўналтиришни асосий вазифа деб, эксперт қатламларида турли қарашларни ва баҳолашни келтириб чиқарди. Бу йўналишларни турлилиги Хитой спецификаси билан социализмни қуриш атрофида йиғилади. Хитой компартиясининг вазифаси Хитой миллатининг туғилишига ва фикрий онгини ўстириш эди.

Айрим кишилар Хитой компартияси ростдан ҳам барча масалаларни руёбга чиқаради, социализм бошиданоқ ечимини топган деб ҳисоблар эдилар. Яна бошқалар эса бу вазиятни инкор этадилар. Хитой спецификаси билан бўлган социализмни қуриш имкониятини йўқлиги ҳақида ҳам гапирилар эди. Шу ўринда Хитой компартиясининг “**Хитойнинг миллати туғилишида лидер бўла олмаслиги** ҳақида гапирилган¹. Уларнинг таъкидлашича барча социализм ҳақидаги гаплар ва ўзгаришлар фақат кўз бўямачилик ва Хитой капитализмига қарши силжиш” деб фикр билдирганлар.

¹Чжунгун чжунъян гуаньюй цзяньли шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи жогань вэньти ды цзюендин (Постановление ЦК КПК о некоторых вопросах создания социалистической рыночной экономики) // Жэньминь жибао. 17.11.1993. – С.20-22.

¹ Документы XVI Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. – Пекин: 2002. (src.people.com.cn -ХКП расмий сайти).

Бу қарашларнинг вакиллари кўп йўналишли иқтисодни ривожланишини ўзгаришлар орқали Хитойнинг социал системасида кўриб чиқдилар. Баъзилар иқтисоднинг асоси қурилишида кўп тармоқли жамиятда ўзининг ўрнини топарди деб ҳисоблайдилар. Социализм ва капитализм элементларини ўзаро боғлиқлиги кўриб чиқилганда янги қуриладиган жамиятда унинг қулайликлари, уларнинг ривожланган социал жамиятига айланиши далил асосида баҳоланар эди. Бу далилларни Хитойнинг ўзига хослиги деб ҳам ҳисоблаганлар. Бошқалар бу хусусиятни инқрознинг ва бу мамлакатда социализмнинг парчаланиши хусусиятида деб тахмин қилишар эди¹.

Хитойда туғилишининг тарафдорлари Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ютуқларини “кўпиртирилган” мамлакат сифатининг дарағи деб ҳисоблар эдилар. Улар бу ютуқларни Мао Цзэдуннинг 1958-60 йиллардаги “ катта сакраш”да тутган сиёсий йўли билан солиштирар эдилар. Бошқа нуқтаи назария тарафдорлари социал иқтисодни қуришда давлатнинг кучли бошқарув роли бўлиши керак деб ҳисоблар эдилар.

Бозор иқтисодиётида социал йўлни сақлаб ва шу билан биргаликда мамлакатнинг родини кучайтириш иқтисодий йўналиш орқали бошқарувни амалга оширишдан иборатлигидадир.

Нафақахўр, партида ҳеч қандай ўз ўрнига эга бўлмаган Дэн Сяопин Хитойнинг жануб томонига йўл олган бўлиб, у махсус иқтисодий чегара доирасига, янги Шэнь-Чжэнни таъкидлаб ўтганди, бозор хом-ашё муомаласида бозор тамойиллари ҳам, социализм ҳам қарашлидир деган фикрларини айтиб ўтади.

У яна: “бозор иқтисодиётини социализмга хизмат қила олади” деган фикрларни илгари сурган эди¹.

¹ Титаренко М.Л. Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. – М., 1994. – С.3; Актуальные проблемы историографии Китая. Сб. статей. - М., 1995. – С. 140.

¹ Бергер Я.М. Китай на пути к рынку: Модель развития, демография, образование. – М., 1996. – С.84.

1978 йил 13 декабрдаги нуткида Дэн Сяопин юқори мансаб катламларининг низолари ва мамлакатда “инқилобчилар” сони камаяётгани ҳақида айтиб ўтади. Шу билан биргаликда у халқда демократиянинг ўсишига ундади. Халқнинг ўз фикрини айтишига руҳсат бериши лозимлиги ҳақида ҳам гапирган. Айримлар бу ҳолатдан фойдаланиб давлатда тартибсизликлар келтириб чиқаришдан кўрқмаслик керак деб айтиб ўтадилар. Лекин бу фикрлар кейинчалик Сидань ва Пекиндаги демократия деворини беркитиш ва 1989 йилнинг 4 июлдаги фожеасига олиб келди. Нима бўлган тақдирда ҳам Мао Цзэдун фикрларига қарамасдан Дэн Сяопин биринчи ўринда фикр озодлигини ва ишлаб чиқариш кучини қўйиш керак лэб айтиб ўтган².

Социализм ва капитализм орасидаги муносабатларни бошқа тарафлама ҳам кўриб чиқишни, яъни қизиқишларининг кесишган нуқтаси, ўзаро алоқадорларини ўрнатиш нафақат иқтисод, балки сиёсий ва маданий йўл билан қарашлар бошланди. Бу йўлда Дэн Сяопин: “Хориж капитали ва техникасини ҳатто, хориж ишчи кучларини Хитойда эксплуатация қилиш лозим”—деб таъкидлайди. Бу Хитой социал ривожланишига қўшимча куч бўла олади деган фикрни ҳам айтиб ўтган эди³.

“Биз охириги русумдаги техника билан, илғор илм билан, илғор бошқарувнинг йўллариини социализм учун ишлатамиз” деб айтган эди Дэн Сяопин.

Бош вазир Вэнь Цзянбао 2011 йилда бўлиб ўтган хориж мутахассисларини мукофотлаётганда “Биз сизларни ҳам хурмат қиламиз ва сизлар бизнинг ривожланишимизда катта ҳиссва қўшганингиз учун раҳмат” айтиб ўтиб, яқин йилларда яна икки миллиондан ошиқ юқори

² Лю Жисинь. Цзихуа цзинци юй шичан тяоцзе цзэньян цзехэ (Как соединить плановую экономику с рыночным регулированием). // Гуанмин жибао. 16.12.1989. – С.8-12.

³ Чжунгун чжунъян вэньцзянь: чжун фа 1993 лю хао. (Документы ЦК КПК: документ №6 за 1993г.). (www.zhida.com.)

тажрибали хориж мутахассисларини ишга таклиф қилиш ҳақида айтиб ўтди¹.

Хитой инқилобчилари ҳар доим тўқнашган ва оддий методологик масалаларда тўқнашадилар. Улар қаттиқ Конфуцийнинг менталитетига боғланганлар, бу менталитет тарихни улуғлаш, урф-одатларни кадрлаш, уйғунликни қидириш, ўрта табақаланиш йўлида юриш, ўзликни кўп ёқлама топишни айтиб таъкидлайди. Бунга мисол қилиб, тарихий воқеага тўхталамиз: “эскисини қайтариб, янгисини оламиз”. Конфуций: “Мен айтиб ўтаман, лекин яратмайман мен эскиликка ишонаман ва уни севаман”².

Бошқача таъбир билан айтганда эскиликнинг ва янгиликнинг тинчлик йўли билан қуришни таъкидлайди. Худди шу қийинчилик олдидан ҳамма Хитой инқилобчилари қарашлари тўқнашади.

ХИХ асрдан бошлаб, бугунги кунгача Ян Фу, Тан Сытун, Кан Ювэй, Лян Цичао, Сунь Ятсен, Чан Кайши, Мао Цзэдун, Лю Шаоци, Дэн Сяопин, Цзян Цзэмин, Ху Цзинтао ва бошқалар шулар жумласидандир. Цзян Цзэминь Дэн Сяопиннинг издоши сифатида Хитой компартиясининг 3 бошқарув вориси шундай гапларни айтиб ўтган: “Дэн Сяопин назариясида асосий билишимиз керак бўладиган нарса бу янги муаммоларга ва янги изланишларга кўтаринки руҳда ва илмий ёндошиш керак, Дэн Сяопинни ўрганиш керак”³ деб давом эттиради Цзян Цзэминь. “Озод фикр, ишга яхшироқ ўрганишга уни ишонч билан амалда қўллаш, ҳақиқатни англашга олиб келади” деган эди.

Бир сўз билан “озод фикрлик” кўп маънони билдирадиган сўздир. Дэн Сяопиннинг таъкидлашича ечилмасдан қолиб кетган саволларни ва

¹ Huang Yasheng. Why China will Not Collapse. Foreign Policy. – Washington: Summer, 2012. – P.12-14.

² Титаренко М.Л. Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. М., 1994. – С.25.

³ Дэн Сяопин. Избранные труды. – Пекин, 1992. – С.20.

бир қатор янги тушунмовчиликларни осонлик билан ҳал этиш “озод фикрлик” маъносини билдирар эди¹.

1970 йилга келиб Хуа Гофэннинг “икки абсолютлар” принципи мазмуни Мао Цзэдуннинг қарорларини ва таклифларини мутлақ ҳимоя қилиш ва бўйсунушига ундади.

Янги таклиф эса, мамлакатда тўғри иқтисод, тўғри маданият, тўғри партия, миллионлаб Хитой компартиясининг ва партиясизликни маданий революциясининг қурбонларини янгилаш эди. Бунинг ҳаммаси партиянинг бошқарув маъмуриятини оммавийлашувига ва қонунчиликни мустақамлашувига кўпгина “бадбашараликни” йўқ қилишига олиб келди.

Қишлоқ коммуникацион компаниялари танқид остига олинган бўлиб, камбағаллик социализмга олиб келади деган фикр айтилган. Олдинга мақсад қилиб, социал бозор иқтисодиётини давлат макро назоратига кўшилиши бўлди. Шунга қарамасдана Хитойнинг беш йиллик режалари ўзгартирилмади. Бундан ташқари 18-съездда бирлашган комплекс режаси муҳим асос бўлар эди².

Шундан кейин танқидчилар фақат социал қурилишнинг салбий тарафини кўриб келмоқдалар. Олдин улар иш жой учун катта рақобат, ойлик маошининг ўсишда деб ўйлаганлар. Лекин улар ижобий томонларини, яъни ишчи кучини кўпайиши, иқтисодиётни тез кўтарилишни кўрмаган, ҳис қилмаганлар. Шунингдек, иқтисоднинг ривожланишига, маданиятнинг ривожланишига, ижтимоий ривожланишга, маблағ давлат томонидан олинар эди.

Бозор иқтисодиёти режа ва бозор назарий қарашларининг қизғин дискуссияларидан сўнг хусусий ерлар давлатга тегишли бўлиши, мамлакатда кўп тармоқли конвергент иқтисодини йўлга қўйишига олиб келди.

¹ Ден Сяопин. Избранные труды. – Пекин, 1992. – С.22.

² China's Economy Looks Towards The Year 2000. Volume 1. The Four modernizations. (Selected Papers). Volume 2. Economic openness in modernizing China. – Washington, 1986. - P.18.

Хитой социализмининг ўзаги халқаро вакилларида иборат эди. Хитой компартияси томонидан бошқаруви, асосий сиёсий институтларни кўп партияликни бошқарар эди. Шу билан бирга қуйи қатлам вакиллари хам бошқариб турар эди. Рўзғор системасининг ўзагида кўп тармоқли иқтисод асосий ролда эди. Бу социализм структураси Хитой услуби социализмининг бош ривожланаётган илк қадамларидан эди.

2012 йилда бўлиб ўтган партияларнинг 18-съездида бош котиб Ху Цзинтао шундай деб ўтди: “Ҳар томонлама етуқлик ва барқарорлик илмий концепциянинг асосий талабидир”, булар қуйидагилардир:

- Иқтисодиёт;
- Сиёсат;
- Маданият;
- Социал ва экологик йўналишлар¹.

Уларнинг бир текисда ривожланишига, кучини ўсишига ёрдам берилиши керак эди. “Синьхуа” агентлигининг 2013 йил 4 феврал куни берган ҳисоботи бўйича хусусий тарбиркорларнинг жами сони 10 млн. 598 мингга ташкил қилар эди. Бу 2011 йилнинг натижаларидан 12,6 фоизни ташкил этар эди. Якка тартибда ишлаб чиқариш 39 млн 847 минг, 2011 йилга нисбатан 7,8 фоизга кўтарилди. Булар иккиси сармояси давлатга 1 триллион 890 миллиард юанларни олиб келди. Расмий маълумотларга қараганда нодавлат секторларга 60 %дан кўпроқ ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га сармоя ўтиб кетди. 2013 йилнинг март ойида бўлиб ўтган, 12 ВСНПнинг 1-сессиясида Хитой бош давлат маслаҳатчисининг ҳисоботида социализмга сарфланган улкан маблағларнинг рақамлари келтирилган эди².

Илм олишга сарфланган пул 7,79 триллион юанни ташкил этар эди. Фан ва техника ривожланишига эса 872,9 миллиард юан сарфланган эди. Саноатлаштириш учун давлат 4,49 триллион ажратган эди. 5 йил ичида 18

¹ Документы XVI Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. – Пекин, 2012. – С.15-16.

² Ван Дун. Чжунго цзинцзи цифэй ды синь даолу. (Новый путь экономического взлета Китая). // Синьхуа вэньчжай. – Пекин, 14.09.2013. №2. – С.67-69.

миллион уй қурилди ва 12 миллион конструкция қилинди. Завод ва фабрика ишлаб чиқариш бўйича Хитой дунёда 1-ўринни эгаллади.

19,7 минг км янги темир йўллари қурилди. Бундан ташқари 8 минг 951 км тезюар магистраллар қуриб ишга туширилди. 31 та аэропорт ва 10 мингдан ортиқ кемалар ишга туширилди. 29,53 миллион гектар ўрмонзорлар барпо этилди.

Хитой иқтисодиёти осонгина глобаллашув ва бошқва мамлакатлар билан зич алоқаларга эга бўлди. Хитой сиёсатшунослари очикчасига ва ғурур билан Хитой глобаллашувини асосий ютуқ деб тан оладилар. Айнан у глобализацияга таяниб, бошқа мамлакатларнинг асосий савдо шерикларига айланди. Буларга эса АҚШ, Япония, Россия, Ҳиндистон, Корея халқлари ва Африканинг кўпгина давлатлари ва ҳатто, Лотин Америкаси киради. 2011 йилда Хитой ЯИМ ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқди. Бундай ўзгаришлар ХХРга нафақат машҳурлик олиб келди, балки Хитойни “йиғувчи фабрика”га айлантирди. Лекин бир томонлама ўзининг ривожланиш ва ўзининг янгилик яратиш имкониятларини тўхтатиб қўйди¹.

Хитой АҚШ билан биргаликда машҳур брендларни ишлаб чиқаришда ва янгиликларни тарғиб қилишда АҚШ биринчи ўринда турса ҳам, Хитойнинг лидерларининг айтишича улар сифатга эмас, балки миқдорга мамлакатнинг кучига сарфлар эди.

Шундай қилиб, 30 йилдан буён “Очик эшиклар сиёсати”ни тарғибот қилиш анчагина ютуқларга эришди². Мисол қилиб, Хитой спецификаси, яъни ўзига хослиги билан социализмнинг пайдо бўлиши иқтисодий ва сиёсий тизимларни кўп тармоқли миллатга тўғри келиши компартиянинг бошқариш йўлини ва шу билан биргаликда капиталистик ривожланишни

¹ Ли Юй. Чжунго 21 шицзи ичэн. Чжунго 21 шицзи жэнькоу, хуаньцзин юй фачжань байпишу. (Повестка дня для Китая на 21 век. - Белая книга по вопросам народонаселения, окружающей среды и развития Китая в 21 веке). – Пекин, 2011. – С.56.

² Цзянли Юй. Шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи сян шиин ды сянъдай цие чжиду (Создать соответствующую системе социалистической рыночной экономики систему современных предприятий) // Жэньминь жибао. 21.12.2012. – С.18-21.

тўғри тақсимлаш, иқтисодий ривожланишга ва социал маданий бойишга олиб келди.

Ҳолатга тик қараётган ҳолатда Хитой бошқаруви ҳозирги кўп тармоқли структура социализмни қурилиш босқичига тўғри келади деб ва бир нечта ўн йиллар давомида ўзгармай туради деган фикр юритилляпти. Лекин бу босқичда ҳали социализмни юқори поғонасига етиб келинмаганлигини билдирар эди.

Хитой компартиясининг 18-съездига кўра иқтисодий ва маданий яратилган шароитларга қараб, социал гуманитар сиёсий вазиятларни максимал ривожлантиради.

Бу йўналишда асосий қадам инсоннинг қизиқиши биринчи даражага чиқишидир ва унинг ҳаётий талабларини қондирилиши ҳисобланади. Яна асосий масалалардан бири уйғунлашган жамият тузиш ва бу жамиятни тузишга ва ҳуқуқий давлатга асосланиш. Шаҳар ва қишлоқларда жамият уйғунлигини яратиш, камбағалликнинг олдини олиш қишлоқ хўжалиги солиқларини йўқ қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимларини яратиш бундай сиёсатнинг ривожланишида тарихий юксалиш бўлади.

2012 йилда Хитой аграр-индустриал мамлакатдан индустриал-аграр тоифасига ўтди. Унинг шаҳарда яшовчи аҳолиси 50 % га ортиб борар эди. Шунга қарамасдан Ху Цзиньтао 18-съездда “Хитой ҳали ҳам ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига киради” деган фикрни айтиб ўтган, лекин у “энг ривожланган мамлакат” унвонини олмоқчи эди¹. Олдинга жуда катта масала, яъни 2021 йилга, КПКнинг 100 йиллигига мамлакат ЯИМини икки карра ошириш ва одам сонига ЯИМни 2 баробар ошиш масаласи қўйилган эди. Бу масаланинг ечимини мамлакатда ўрта даромадли жамият келиб чиқишига олиб келар эди.

Аммо бу ўзгаришлар қайта туғилишнинг ниқоби деб хориж мамлакатлари фикр юритади. Бўлиб ўтаётган иқтисод ва сиёсат ва

¹ Цзянли Юй. Шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи сян шиин ды сянъдай цие чжиду (Создать соответствующую системе социалистической рыночной экономики систему современных предприятий) // Жэньминь жибао. 21.12.2012. – С.18-21.

маданият ўзгаришларини Дэн Сяопин жуда қатъий ва катта деб таъкидлайди. Ден Сяопиннинг тўртинчи принцинга кўра Ху Цзиньтао шундай дейди: “Социализмда янги ютукқа эришиш учун айтиб ўтадиган қоидаларига риоя қилиш керак, ишчи кучини ошириб боришни давом эттириш керак, социал ҳақ ва ростгўйликни сақлаш керак, фаровон ва бадавлат халқ йўлида бориш, социал гормонияни илгари суриш, осойишта ривожланиш ва партия бошқарувида мустаҳкам туриш”¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Хитой модернизациясининг иқтисодий концепцияси билан чамбарчас алоқада бўлган қайта қуришлар амалиётида фарқланувчи босқичларни аниқ ажратиш мумкин: Янги турдаги хўжалик тизими яратилиб, Хитой Коммунистларнинг олиб борган изчил сиёсати туфайли яхлит марказлашган тизим вужудга келди. Хитой ҳақиқатдан ўз йўлини соғлом жамият ва одамларни бахтли қилишда давлат ва ХПКни ўрни катта бўладиган давлат бўладими деган мунозараларга ижобий жавоб олди. Хитой ўз қўйган йўлини ўзига хослигини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатлари билан кўсатиб бера олди.

2. Мамлакатни модернизация қилиш жараёнида Хитой Коммунистик партиясининг роли

Конституцияга биноан ХХР халқ демократик диктатурасидаги социалистик мамлакат бўлиб, уни ишчи синф бошқаради. Ҳокимиятнинг ташкилий шакли эса халқ вакиллари кенгаши институти ҳисобланади. Сиёсий партиялар институти бўлиб эса кўппартиявийлик ҳамкорлиги ва сиёсий консультациялар коммунистик партия бошчилигида ҳисобланади. Хитой коммунистик партиясининг раҳбарлик ҳолати демократик партиялар билан ҳамкорликдаги баҳсларга яқиндан алоқага киришди. Демократик партиялар Хитой коммунистик партиясининг асосий ғояси,

¹ Huang Yasheng. Why China will Not Collapse. Foreign Policy. – Washington: Summer, 2012. – P.58.

назарияси ва дастурларини тўлиқ қабул қилдилар. Бундай кураш шароитида Хитой коммунистик партияси кенг қамровли сиёсий ҳамкорликни амалга ошириб боради:

Биринчидан, Хитой коммунистик партияси демократик партиялар билан асосий курсни амалга оширишда мазмунли ишларни олиб борди;

Иккинчидан, демократик партиялар аъзолари давлат ҳокимиятида анчагина миқдорда бўлиб, аниқ бир функцияларни бажарадилар;

Учинчидан, барча демократик партиялар аъзолари маълум бир давлат ўрин эгаллаганлар;

Тўртинчидан, барча демократик партиялар аъзолари Хитой коммунистик партияси билан биргаликда давлат ишларини тўлиқ муҳокама қилишда иштирок этадилар;

Бешинчидан, Хитой коммунистик партияси доим демократик партияларни ислохотларда тўлиқ иштирок этишини маъқуллайди.

Коммунистик партия ва демократик партияларни ўзаро бир – бирини назорат қилиш, ўз фикрини очик айтиш, танқид қилиш ва таклифлар киритиш орқали амалга ошади. Коммунистик партия раҳбар ва ҳукмрон партия бўлгани сабабли демократик партиялар томонидан назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Демократик партиялар томонидан назорат асосан, қонунчилик ишланмалари ва сиёсий тизимни бажарилишини назорат қилишдан иборат. Бундан ташқари ҳукумат қарорлари, қўмиталар ишлари (барча даражадаги) кадрлар томонидан ўз вазифаларини бажариши ва бошқа давлат аҳамиятига молик ишларни назорат қилишдир. Демократик партиялар томонидан назорат қилиш коммунистик партия фаолиятини ва социалистик назоратни яхшилашда муҳим рол ўйнайди.

Кўшпартиявийлик асосида ҳамкорлик тизими Хитойда бошқа давлатлар сиёсий институтларидан тубдан фарқ қилади. Аммо муаммо шундаки, Хитой коммунистик партияси демократик партиялар билан ҳамкорликда қарорлар, фармонлар ва бошқа қонуний давлат ишларини ўзаро назорат орқали бошқаради, аммо демократик партиялар ҳокимият

тепасига чиқишга ҳеч қачон интилмайдилар. Бундай тизим халқ вакиллари кенгаши институтига қарши эмас, халқни шу мамлакат эгаси эканлигини кафолатлайди. Демократиясиз социализм ва социалистик модернизация амалга ошмаган бўлар эди. Коммунистик партия ва демократик партияларнинг кураш мақсади – бу халқ демократиясини амалга ошириш ва юксалтиришдан иборат. Коммунистик партия раҳбарияти ва социалистик демократияни йўлга қўйиш вазифаси кўппартиявийлик ҳамкорлик талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади¹.

Коммунистик партиянинг асосий ғояси асосан бутун Хитой халқи ва унинг эҳтиёжларига оғишмай хизмат қилишидир. Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва бошқарув фаолияти халқнинг ҳуқуқларини кенг миқёсли тарзда халқни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ишларда тўлиқ иштирокини кафолатлайди. Кўппартиявий ҳамкорлик Хитойда Коммунистик партиянинг раҳбарлик йўлини тўлиқ маъқуллайди, шу билан бирга кенг демократияни ва фикрлар мужассамлигини таъминлайди.

Хитойда параллел равишда демократиянинг сайловларни ўтказиш – бу социалистик демократиянинг ёрқин намунаси. Халқ вакиллари кенгаши Коммунистик партия бошчилигидаги кўппартиявийлик ҳамкорлик сиёсий институтлари бир–бирини тўлдирган ҳолда ҳамкорликда иш олиб боради. Энг зарур қарорлар қабул қилиш ва ягона фикрга келиш ёки энг зарур ички ишларни амалга оширишда, одатда эркин сайловлар ўтказилади.

Демократик сайловларни демократик консултациялар билан ҳамкорлиги социалистик демократияни кенглиги ва чуқур маъносини очиқ беради. Кўппартиявий ҳамкорлик тизими демократик партияларни сиёсий қатнашувини таъминлайди. Халқ демократик диктатураси давлат сиёсий ҳуқуқларини кенгайтирди. У барча томонларни фаоллигини таъминлайди.

¹ Чжоу Сяочуань, Инь Вэньцзоань. Цзинцзи тичжи гайгэ ды бу тун даолу. (Различные пути реформы экономической системы). – Пекин: Гайгэ, 1993. – С.40.

Хитой – кўп миллатли энг катта давлатдир. Хитойда барча турдаги синфлар ва қатламлар бор. Сиёсий консултациялар Хитой кўппартиявий ҳамкорлик тизимининг энг асосий мазмунидир¹. Энг долзарб қарорларни (сиёсий тизим бўйича), давлат ишларини амалга оширишда ХКП барча демократик партиялар билан сиёсий консултацияларни ўтказди. Консультациялар ХКП давлат ишлари бошқарувида зарур қўлланма ҳисобланади. Кўп йиллик амалий тажрибалар даврида 2 та сиёсий консултациялар пайдо бўлди:

Биринчиси, ХКП демократик партиялар ҳамкорлиги (кўппартиявийлик тизимида). Иккинчиси, ХКП ни демократик партиялар, жамоатчилик вакиллари ва халқ сиёсий кенгаши билан олиб бориладиган сиёсий консултациялар тизимидир².

Сиёсий консултациялар жумласига ХКП марказий қўмитасининг демократик партияларнинг марказий қўмиталари, ундан ташқари бутунхитой ХКП съезди ва унинг Марказий Қўмитаси зарур ҳужжатлари, ХКП нинг конституцияга тузатишлар киритиш ҳақидаги таклифлари ва қонунчилик, раҳбарликка номзодлар ХКП нинг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий – иқтисодий юксалиш режалари, давлат аҳамиятига молик қарорлар ва энг зарур ҳужжатлар ҳақида маълумот бериш ва бошқа аҳамиятли қарорлар киради. Сиёсий консултациялар одатда, ХКП МҚ ва Демократик партиялар марказий қўмиталари билан биргаликда қуйидаги шаклларда ўтказилади:

- ХКП МҚ барча демократик партиялар раҳбарларини йиғинга таклиф қилади. Бу йиғинда ХКП МҚ томонидан олға сурилган сиёсий тизгин ва ислоҳотлар муҳокама қилинади;
- ХКП МҚ бош раҳбарлари вазиятга қараб, барча демократик партиялар раҳбарларини юқори даражадаги йиғинга таклиф қилади;

¹ Chan Steve. East Asian Dynamism. Growth, Order, and Security in the Pasific Region. – NY, 1993. – P.28.

² Lee Jeen. China in 2010. The China Business Review. – Washington, 1995. – P.16-17.

- ХКП МК ёки тегишли томонлар унинг топшириғига биноан демократик партиялар вакиллари билан фикр алмашиш ва зарур давлат аҳамиятига тегишли қарорларни қабул қилиш учун муҳокамага таклиф қиладилар;

- Сиёсий консултациялар давомида ХКП ва демократик партиялар вакиллари ХКП раҳбарлигида тузилган бош вазифалар асосида ўзларининг ушбу масалалар бўйича йиллик режалари билан ўртоқлашадилар;

- Сиёсий консултациялар ватанпарварлик руҳида ўтказилади. Барча томонлар таклифлари синчиковлик билан ўрганилади. ХКП марказий қўмитаси ушбу таклифларни жиддий ва аниқ тарзда ўрганиб чиқади¹.

XX асрнинг 90–йилларидан бошлаб ХКП марказий қўмитаси демократик партиялар билан ўтказиладиган консултацияларни кенгайтириб бормоқда, янги мазмун билан бойитмоқда, ҳамда уни ўтказиш тартибини ташкиллаштирмоқда. 1990 йилдан то 2006 йилнинг охиригача ХКП марказий қўмитаси ва давлат кенгаши тегишли муассасалар томонидан жорий воқеалар асосида 230та консултация, суҳбатлар ўтказилди. Улардан 74таси ХКП марказий қўмитаси бош котиби раислигида номзод қилиб кўсатилди. Сўнгги уч йил мобайнида демократик партиялар, партиясиз қатлам вакиллари ХКП нинг зарур ҳужжатлари бўйича ўз фикр ва таклифларини киритдилар. Булар қуйидагилар: “ХКП марказий қўмитаси партиянинг раҳбарлик функциялари” қарори, “ХКП марказий қўмитасининг бир қанча энг зарур бўлган, яъни социалистик жамиятни қуриш ҳақидаги” қарори, “ХКП марказий қўмитасининг ХКП бошчилигида сиёсий консултацияларни ва кўппартиявий ҳамкорлик тизимини юксалтириш ҳақидаги таклифлари”¹. Улар Умумхитой Халқ Вакиллари Кенгаши ва Хитой Халқ Ватанпарвар ташкилоти Ягона fronti раҳбарлигига

¹ Егоров К.А. Китайская Народная Республика: Политическая система и политическая динамика (80-е годы). – М., 1993. – С.156.

¹ Lau Lawrence. Models of Development. A comparative Study of Economic Growth in South Korea and Taiwan. – San Francisco. 2004. – P.67.

номзодларни танлаш, конституцияга тузатишлар киритиш, конунчилик ҳуқуқий актлари ҳақидаги таклифларни киритади. Масалан, конунчилик ҳақида концепсияга қарши қонун, назорат ва моддий ҳуқуқ ҳақида қонун ва ҳоказолар.

Бундан демократик партиялар ва партиясиз қатламларнинг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий давлат режаларини юксалтириш бўйича таклифлари эшитилди. Шу жумладан, ХХР ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги “ХИ - беш йиллик” тезислари, янги турдаги қишлоқ қурилиш лойиҳалари, давлат молия, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва бир қанча зарур қарорлар ва ҳужжатлар қабул қилинди². Шу билан биргаликда, демократик партиялар ўз марказий қўмиталари номидан иқтисодиёт, сиёсат, жамият, таълим, фан ва техника, маданият, соғлиқни сақлаш, миллий муҳофаа, ташқи алоқалар, Сянган, Аомен ва Тайван билан ишлаш, ҳамда Хитой муҳожирлари билан ишлаш бўйича ХКП марказий қўмитасига 200дан ортиқ ёзма таклифлар билдирдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўтарилган масалалар, жумладан, Янцзи дарёси дельтасининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, Бохай қўлтиғи, Тайван бўғози иқтисодий ҳудуди Бамбо қўлтиғи, табиий ресурсларини ўзлаштириш механизми (Янцзи, Хуанхэ ва Ланшанцзян дарёлари этагида), маданият тармоғида ислохотларни чуқурлаштириш, ундан ташқари анъанавий Хитой маданиятини ривожлантириш каби масалалар хусусидаги таклифлар.

Сиёсий консултацияларнинг бошқа зарур шакли, бу ХКПнинг демократик партиялар, партиясизлар ва жамоатчиликнинг ҳар хил вакиллари билан Хитой Халқ Ватанпарвар Ташкилоти Ягона Фронти (ХХВТЯФ) бўйича олиб борилган консултацияларидир. ХХВТЯФ таркибига 34та жамоатчилик вакиллари, шу жумладан ХКП ва барча демократик партиялар, партиясизлар ва жамоатчиликнинг барча қатламлари

² Документы XVII Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. Пекин, 2008. (www.cpc.people.com.cn ХКП расмий сайти).

кирадилар. ХХВТЯФ – социалистик сиёсий тузумни устунлигини ва Хитой сиёсий партияларининг жипслашуви, мустаҳкамланиши, юксалишига ижобий таъсир кўрсатувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Унинг давлат ишларини бошқаруви илмий, демократик ва ҳуқуқий асосга қурилган. Барча демократик партиялар давлат ишлари бошқарувида қатнашадилар, уларга давлат органларидан жой ажратилади. ХКП давлат ишларини бошқаришда улар билан яқин ҳамкорлик қилади. Умумхитой Халқ Вакиллари кенгаши шундай органки, унинг воситачилигида Хитой халқи давлат ҳокимиятини ҳосил қилади.

Демократик партиялар аъзолари Умумхитой Халқ Вакиллари кенгаши таркибида маълум миқдорда ўрин эгаллаганлар. УХХВК нинг 10-чақириқ иккинчи сессиясидан буён (2003 йил) 177 минг демократик партия вакиллари, партиясизлар вакиллари ҳар хил даражадаги халқ вакиллари кенгашига сайландилар. Улардан 7таси Бутунхитой Халқ Вакиллари Кенгаши доимий қўмитаси ўринбосарлар вазифасида, 50 нафари Умумхитой Халқ Вакиллари Кенгаши доимий қўмитаси аъзолари, 41 нафари эса (вилоятлар миқёсида) Умумхитой Халқ Вакиллари Кенгаши доимий қўмитаси ўринбосарлиги вазифасига тайинландилар. 462 нафар Хитой Коммунистик партияси доимий қўмитасига аъзо бўлдилар. Шаҳар даражасида бу кўрсаткич 357 ва 84 кишини ташкил этади. Халқ Депутатлари ваколатлари бўйича улар конституцияни кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш, қонунларни, меъёрий – ҳуқуқий актларни сайловларда қатнашишни, раҳбар ходимларни ишга тайинлаш ва ишдан олиш, бюджет ва ижтимоий, сиёсий юксалиш режаларини тасдиқлаш. Ундан ташқари халқ иродасини ифодалаш ваколатлари берилган. Демократик партиялар аъзоларини суд–ҳуқуқ органларига, маъмурий раҳбарлик ишларига жалб

¹ Фань Маофа. Тяочжэн гайгэ сылу кайчуань гайгэ синь цзюймянь (Урегулировав концепцию реформы, создать новую ситуацию в области реформы). – Гайгэ, 1989. – С.85.

килиш, ХКП нинг раҳбарлиги остидаги кўппартиявийлик ҳамкорлигини ривожлантиришнинг энг зарур моҳиятидир¹.

2006 йилнинг охирига келиб, уезд юқори органларидаги раҳбар лавозимида 31000та демократик партиялар вакиллари ишлаб келмоқдалар. Улардан 18 таси оилий халқ суди ўринбосарлари, олий халқ прокуратураси ўринбосарлари, вазирликлар, қўмиталар давлат ишларида фаолият юритмоқдалар. 23 та провинцияда 24 та губернатор ўринбосарлари, уларда 356 киши шаҳар маъмуриятлари бошлиғи, 397 шаҳар маъмуриятлари бошлиғи ўринбосарлари, 35 киши провинция даражасидаги суд раислари ўринбосарлари ва прокурор ўринбосарлари, 141 киши тегишли округ ва шаҳарларда тегишли лавозимларда ишлайди. Демократик партиялар, партиясизлар аъзолари олий ўқув юртларида, жамоатчилик ташкилотларида, илмий-тадқиқот муассасаларида ва давлат корхоналарида раҳбар лавозимида ишлайдилар².

Масалан, 93 та академик институтларнинг 69 тасида демократик партиялар аъзолари ва партиясизлар аъзолари раҳбардирлар. 72 та олий ўқув юртларида уларнинг сони 38 кишини ташкил этади.

2007 йилда демократик партиялар ва партиясизларнинг 2 вакили соғлиқни сақлаш вазири, таълим вазири лавозимига тайинланганлар.

Давлат кенгаши ва маҳаллий халқ ҳукуматлари демократик партиялар билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратадилар ва уларга янги–янги имкониятлар яратиб берадилар. Бу алоқалар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- Давлат кенгаши демократик партиялари расмий аъзолари билан ҳукумат ишлари ҳақидаги фикрларини ўрганадилар ва Умумхитой халқ вакиллари кенгаши сессияси муҳокамасига қўяди;

¹ Гао Шанцюань. Чжунго ды цзинцзи тичжи гайгэ. (Реформа экономической системы в Китае). – Пекин. 2007. – С.45-47.

² Ван Чжо. Чжунго цзинцзи тичжи моши луньган (Основы модели хозяйственной системы Китая) // Цзинцзи яньцзю. 2007. №11. – С.19-21.

- Ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг аҳволи, тадбирлар ҳақида демократик партия аъзоларига ахборот беради ва уларни ҳукумат йиғилишларига таклиф этади. Уларни назорат–текширув ишларига жалб қилиб, порахўр жамоат таркибини сақлаш, бозор иқтисодиётини мўътадиллаштириш каби энг зарур давлат ишларига жалб қилади.

Бугунги кунда имкониятига қараб барча демократик партиялар давлат кенгаши билан мустаҳкам алоқа боғлаганлар. Улар биргаликда энг долзарб мавзулар, масалан:

- Таълим олаётганларнинг шахсий фазилатларини такомиллаштириш илмий техник дастури бўйича саноат ҳудудларини қуриш, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;

- Аҳолининг экологик – иқтисодий фаровонлигини таъминлаш; денгиз ресурсларини ўзлаштириш ва қўриқлаш;

- Илм–фан соҳасида молия – солиқ сиёсатини такомиллаштириш; фан – техника соҳасида рағбатлантириш тизимини қайта қуриш;

- Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Сув ресурсларидаги камоматларни бартараф этиш каби устувор вазифаларни бажарадилар.

Давлат кенгаши ва маҳаллий ҳукуматлар 767 та демократик партиялар аъзоларини маслаҳатчи лавозимига таклиф этади. 1393 киши эса маданият ва тарихий обидаларни ўрганиш ишига жалб этилди.

II боб бўйича хулоса

Бугунги кунда олий халқ прокуратураси, ер ва табиий ресурслар вазирлиги, назорат вазирлиги, таълим вазирлиги, давлат ревизия бошқармаси ҳамда бош солиқ бошқармасига 87 демократик партия ва партиясизлар вакиллари прокурор, ревизор лавозимларига қўйилган. Маҳаллий маъмуриятларга эса 17000 киши таклиф этилди. Бу таклиф

килинган мутахассислар қонунга риоя қилиш, текширув инспекцияси тадбирларига қатнашадилар. Мисол учун, давлат ички текшируви бошқармасига махсус таклиф этилган демократик партиялар аъзолари бевосита молиявий текшириш ишларида қатнашадилар.

Ушбу молиявий текширучилар марказий бюджет, қишлоқ хўжалигини ўзлаштириш, йирик сармоявий объектлар, бутун дунё банки судларидан фойдаланиш ва дон билан таъминлаш соҳасидаги қайтарилмаган қарзлар каби зарур лойиҳаларни текшириш ишларига жалб қилинганлар. Охирги 5 йил ичида махсус таклиф этилган прокурорлар томонидан аҳолидан келган 13600 та хат ўрганилди, 23700 дан зиёд фуқаролар қабул қилинди.

Демократик партияларнинг халқаро тадбирларда қатнашуви такомиллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда демократик партияларнинг олий раҳбарлари 150 дан кўпроқ халқаро тадбирларда қатнашдилар. Делегация раҳбари сифатида 60 чет эл сафари ва ташрифларида иштирок этдилар. Чет эллик меҳмонлар билан учрашувларда Хитой партияси ва Давлат раҳбарлари демократик партиялар раҳбарларини ушбу учрашувларга таклиф қилганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, замонавий босқичда Хитойдаги ишлаб чиқариш воситаларига мулк тузилмасининг таркибий қисмидан бири деб тан олинди. Мазкур дастурда Хитой Компартиясининг якка хўжалигига ҳамда, унинг иқтисодидаги ролини аниқлашга бўлган концептуал ёндашув ривожланди. Бу эса Компартиянинг ролини янада мустаҳкамлашга олиб келди. Давлатни бошқарув сиёсатида ХКП муҳим бошқарувчилик лаёқати, амалга оширилган муайян ижтимоий-иқтисодий тармоқларда ўзининг йўл бошчилиги билан ажралиб турибди.

ИИ БОБ. ХИТОЙДА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ

1. Хитой қонунчилик тизимининг ислоҳ қилиниши

Хитой социализмини қуришнинг тарихий жараёнларига мос келувчи ҳуқуқий тизим, ХКПни бошчилигида босқичма-босқич шакллантирди. ХХР эндигина вужудга келганда Хитой олдида янги ҳукуматни ўрнатиш ва мустақамлаш, халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш, шунингдек, халқнинг ўз давлати эгаси сифатида ҳуқуқини амалга ошириш каби қийин вазифалар турарди.

Шунингдек, Хитой Марказий Халқ Ҳукуматини ташкил этилишидаги қонун, касаба уюшмалари, никоҳ, ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунларни, ҳамда халқ судларини ташкил этишдаги вақтинчалик қарор, олий халқ прократурасини ташкил этиш тўғрисидаги, инқлобий фаолиятларни жазолаш, миллий валютага зиён етказишни жазолаш, порахўрлик учун жазолаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди. УХХВМ га сайлов ва маҳаллий кенгашларга сайловлар тўғрисида қонун ҳам қабул қилинган.

Шунингдек, маҳаллий халқ ҳукуматининг барча босқичлари, суд органлари, кам сонли миллатларнинг автоном районлари, давлат ва хусусий корхоналарни бошқариш, ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларга оид бир қатор ҳуқуқий норматив ҳужжатларни қабул қилди. Натижада давлат янги Хитойда Демократияни қуриш тарихий жараёни бошлади¹.

1954 йилда бўлиб ўтган УХХВМ биринчи чақириқ, ИИ-сессиясида ХХР нинг биринчи конституцияси қабул қилинди, Халқ Демократияси ва

¹ Ван Дун. Чжунго цзинцзи цифэй ды синь даолу. (Новый путь экономического взлета Китая). // Синьхуа вэньчжай. 2013. № 2. – С.17-20.

Социализмининг тамойиллари ишлаб чиқилди, давлатни Халқ вакиллари Кенгашлари орқали бошқаришни кўзда тутадиган сиёсий тизим тасдиқланди, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва вазифалари белгиланди, шунингдек, УХХВМ ни ташкил этиш, давлат кенгашини ташкил этиш, маҳаллий халқ вакиллари кенгашлари ва турли босқичдаги халқ кўмиталарини ташкил этиш, халқ суди ва прокуратураларини ташкил этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Шу асосда давлат ҳаётининг энг муҳим тамойиллари тасдиқланди.

1956 йилда бўлиб ўтган ХКП нинг ВИИИ-съездида шундай дейилган: ”Давлатнинг эҳтиёжига асосланган ҳолда мукаммал ҳуқуқий тизимни босқичма-босқич яратиш зарур”. Шу сессиядан кейин маданий инқилобгача Хитойнинг қонун яратувчи органлари 130дан ортиқ қонун ва ҳужжатларни ишлаб чиқди ва чоп этди. Демократик ҳуқуқий тизимни қуриш даврида Хитой ўзига хос социалистик ҳуқуқий тизимни яратиш учун бебаҳо тажриба тўплади. Маданий инқилоб даврида демократик ҳуқуқий тизимни қуриш жиддий тўсиқларга учради ва қонунчиликдаги ўзгаришлар бирмунча оқсаганлигини кўриш мумкин¹.

1978-йилда бўлиб ўтган ХКП Марказий қўмитаси 11-чақириқ 3-плениумида ижобий ва салбий тажрибалар умумлаштирилди, партия ва давлат фаолиятини иқтисодий ривожлантиришга йўналтиришга қарор қилинди ва ислохотлар ҳамда очиқлик сиёсатини олиб боришдек тарихий қарор қабул қилинди. Шунингдек, съезд қуйидаги қонунни олға сурди: ”Халқ демократиясини рўёбга чиқариш учун социалистик қонунни кучайтириш демократияни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш керак. Ушбу давлат тузуми ва ҳуқуқий тизим барқарор бўлиши керак, давлатда ишончли ва самарали қонунлар бўлиши ва бу қонунларга қатъиян амал қилиш ва бу қонунларни бузганларни қаттиқ қўллик билан жазолаш лозим. Ушбу плениум демократик ҳуқуқий тизимни барпо этиш

¹ Ван Чжо. Чжунго цзинцзи тичжи моши лунган (Основы модели хозяйственной системы Китая) // Цзинцзи яньцзю. 2007. № 11. – С.19-21.

ҳамда ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатини олиб бориш жараёнида тарихий даврни бошлаб берди. Ушбу даврда давлат тизимни қайта тиклаш шунингдек, ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатини олиб бориш борасида қонунлар қабул қилинди. 1979 йилда бўлиб ўтган УХХВМ 5-чақириқ, ВИИ-сессиясида маҳаллий ташкилотлар тўғрисидаги қонун ва Конституциянинг баъзи моддаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, уезд ва ундан юқори ҳудуд маҳаллий халқ вакиллари кенгашлари қошида доимий қўмиталар тузилди. Ўезд халқ вакиллари кенгаши аъзолари сайловчилар томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган бўлди. Қуйидаги қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди: УХХВМ ва Халқ вакиллари маҳаллий кенгашларига сайловлар, турли босқичдаги маҳаллий халқ вакиллари кенгашлари ва маҳаллий халқ ҳукуматини ташкил этиш, халқ судларини ва прокураторларни ташкил этиш тўғрисидаги қонунлар, жиноят ва процессуал кодекси, Хитой ва хорижий капитал асосида корхоналар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди¹.

1982-йил иқтисод, сиёсат, маданият соҳалари шунингдек, жамият ҳаётида рўй берган катта ўзгаришларга асосан, УХХВМ 5-чақириқ, ВИ-сессиясида ҳозир амалдаги конституция қабул қилинди, давлатнинг асосий бошқарув тизим ва вазифалари шунингдек, давлат ҳаётининг асосий тамойиллари тасдиқланди. Ундан кейин, ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатини кучайтириш ҳамда давлатдаги ижтимоий иқтисодий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда Хитой 1988, 1993, 1999 ва 2004 йилларда Конституциянинг баъзи моддаларига ўзгартиришлар киритди. Ушбу ўзгартиришлар натижасида миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкнинг муҳим роли тан олинди. Қуйидаги муҳим ғоялар конституцияга киритилди: Социалистик турдаги бозор иқтисодиётини олиб бориш, давлатни қонун асосида бошқариш, Социалистик давлат қуриш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳурмат қилиш. Фуқаронинг хусусий мулкни, қунуний ҳимоялаш ХКП

¹ Ди сань цзюань. Дэн Сяопин вэньсюань.. (Избранное Дэн Сяопина. Том 3). – Пекин, 1993. – С.47.

бошқарувида партиялар аро ҳамкорлик ва сиёсий консултатацияларни узоқ вақт давомида олиб бориш ва ривожлантириш.

Ушбу қонуний ўзгаришлар иқтисод, сиёсат, маданият ва жамиятнинг ривожига туртки бўлди. Ушбу давр мобайнида, шунингдек, ХХРда фуқаро ҳуқуқининг умумий қоидалари, умумхалқ мулки бўлган саноат корхоналари, хитой ва хорижий капитал асосидаги корхоналар, хорижий корхоналар, патентлар, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқи, иқтисодий шартномалар, корхоналарда банкротлик тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилди. Бу қонунлар ислоҳот ва очиқлик сиёсатини ҳамда иқтисодий ривожлантиришни олиб боришга янада туртки бўлди. Давлатда “Битта давлат, иккита тузум” сиёсати олиб борила бошланди. Сянган махсус административ райони ва Аомен махсус административ районининг асосий қонуни қабул қилинди. Миллий бирдамликни кучайтириш, социалистик демократияни ривожлантириш ва халқ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида этник районлар автономияси, қишлоқ фуқаролари қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қонунлар, жиноий процессуал кодекси, фуқаролик процессуал кодекси ва маъмурий процессуал кодекси ишлаб чиқилди¹.

Экологик шароит ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида атроф муҳитни асраш, сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлаш, атмосферани ифлосланишдан сақлаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Таълим ва маданиятни ривожлантириш мақсадида эса мажбурий таълим, маданий бойликларни асраш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Бу давр мобайнида қонунчилик соҳасида катта мувофаққиятларга эришилди. 1992 йилдаги ХКП нинг 14-сездида социалистик типдаги бозор иқтисодиёти тизимини қуришнинг муҳим стратегияси қабул қилинди. Шунини таъкидлашдики, давлат қурилиши ва социалистик типдаги бозор иқтисодиёти системасини ривожлантиришда мукамал тизим зарур.

² Ван Дун. Чжунго цзинцзи цифэй ды синь даолу. (Новый путь экономического взлета Китая). // Синьхуа вэньчжай. 2013. № 2. – С.17-19.

Социалистик типдаги бозор иқтисодиёти системасининг талабларига биноан, Хитой қонун чиқарувчи органлари ўз фаолиятини кучайтирди ва қуйидаги қонунларни ишлаб чиқди:

Компаниялар, ҳамкорлик корхоналари, тижорат банклари, посёлка ва волстлардаги корхоналар, ноҳақ рақобат, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товарлар сифати, аукционлар, кафиллик, денгиз савдоси, суғурта, айланма ҳужжатлар, шаҳар кўчмас мулкдан фойдаланишни назорат қилиш, реклама, ҳисобчилар, арбитраж, аудит, бюджет, Хитой халқ банки, ташқи савдо ва меҳнат ҳақидаги қонунлар. Бу ва бошқа қонунлар бозор тартибини ҳимоя қилиш, макроназоратни кучайтириш ва ошкораликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жиноят қонунчилигини мукаммлаштириш мақсадида жиноят ҳуқуқига керакли ўзгартиришлар киритилди. Шу асосда ягона тўлақонли жиноий ҳуқуқ тизими шаклланди. Жиноят протсессуал кодексига ҳам керакли ўзгартиришлар киритилди. Жамият назоратини кучайтириш мақсадида маъмурий жазо, давлат компенциялари, судьялар, прокурорлар ва адвокатлар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Атроф-муҳит ва табиий ресурсларни ҳимоясини кучайтириш мақсадида атроф муҳитни қаттиқ саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида қонун ишлаб чиқилди, минерал ресурслар тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилди.

Конституцион ҳуқуқ Конституция ва норматив ҳужжатлар белгилаб берган муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқ тармоғидир. У бевосита Конституция амал қилинишини ва ҳукуматнинг иш юритишини шунингдек, сиёсий алоқаларини кафолатлайди. Конституцион ҳуқуқ ўз ичига қуйидаги норматив ҳужжатлар ва қонунларни олади: Давлат идоралари ва ташкилотларини ташкил этиш, уларнинг асосий вазифаси ва ваколатларини белгилаш, миллий автоном районлар ва махсус административ районлар, қуйи ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари механизми, давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлик, миллий ҳавфсизлик,

давлат рамзларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларини кафолатлаш. 2011-йил август ойининг охирига келиб Хитойда Конституцион ҳуқуқ бўйича 38та қонун ва бир қатор маъмурий норматив ҳужжатларни қабул қилди¹.

Хитой УХХВМ ва Маҳаллий халқ вакиллари йиғинларига сайловлар ҳақидаги қонун, Маҳаллий Халқ Вакиллари йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқди. Шунингдек, маҳаллий халқ вакиллари йиғинларига ва давлат органлари бошлиқлари сайловлари механизмини белгилаб берди. Шунингдек, қуйидаги қонунлар ишлаб чиқилди: УХХВМ ни ташкил этиш, Давлат Кенгашини ташкил этиш, Халқ Судларини ташкил этиш, Халқ Прокуратураларини ташкил этиш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилди. Шу асосда тегишли давлат органлари ва идоралар таъсис этилиб, уларнинг ваколатлари белгиланди. Ватан яхлитлигини тиклаш мақсадида Хитой Сянган ва Аомен махсус административ районларининг асосий қонунларини ишлаб чиқди. Натижада ушбу административ районларининг узоқ муддатли фаровонлиги ва барқарорлиги таъминланди. Шунингдек, уй-жой кўмиталарини ташкил этиш ва қишлоқ фуқаролари кўмиталарини ташкил этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Шу тарзда шаҳар ва қишлоқларда қуйи ўз-ўзини бошқариш механизмлари белгиланди. Фуқаролар қонунга асосан демократик сайловлар, демократик қарорларни қабул қилиш ҳамда назоратни олиб боришда бевосита ўз ҳуқуқларига эгалар. Хитой яна қуйидаги бир қанча қонунларни ҳам ишлаб чиқди: Шартномалар имзолаш тартиби, ҳудудий денгизлар ва уларнинг атрофидаги зона, очик иқтисодий зоналар ва давлат байроғи ва давлат герби тўғрисидаги қонунлар. Бу қонунлар давлат суверинитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмларни белгилаб, давлатнинг асл манфаатларини ҳимоя қилади.

¹ Цзян Цзэминь. Данцянь ды цзинцзи гунцзо. (Об экономической работе в настоящее время). // Жэньминь жибао. 02.06.1993. – С.18-20.

Шунингдек, мажлислар, митинглар, намойишлар тўғрисида, давлат иқтисодий стандартлари тўғрисидаги қонунлар ҳам ишлаб чиқилди. Бундан ташқари миллатлар, динлар, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари, нашриёт, жамоат ташкилотларини ўтказиш тўғрисида маъмурий норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқлари бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Давлатда умумий тенг ҳуқуқли ва тўғридан-тўғри сайловлар шунингдек, муқобил сайловлар ҳам ўтказилади. Хитой конституциясига кўра, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар миллати, ирки, жинси, касби, оилавий келиб чиқиши, дини, таълим даражаси, мулки ва яшаш муддатидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқдан фақатгина қонун асосида сиёсий ҳуқуқларидан ажралган одамлар махрум. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Хитой давлат ичидаги ҳолатдан келиб чиқиб сайловлар механизмини мукамаллаштириб бормоқда¹.

Шунингдек, барча районлардан, барча миллатлар ва соҳалардан тегишли сондаги вакиллар сайланишини шаҳар ва қишлоқ аҳолилари тенг сайлаш ҳуқуқига эгаллигини кафолатлайди. 1997 йилда Социалистик типдаги бозор иқтисодиёти механизмини тасдиқлаш, ташқи очиқликни кучайтириш демократик ҳуқуқ тизимини қуриш ва барча соҳаларни ривожлантириш мақсадида ХКП нинг 15-сезида давлатни ХХИ асрни биринчи ўн йиллигини ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш мақсади қўйилди ва давлатни қонун асосида бошқариш ҳуқуқий социалистик давлат қуриш сиёсати тасдиқланди. 2010 йилга келиб Хитойда ўзига ҳос ҳуқуқий социалистик тизимни барпо этиш режаси илгари сурилди. Мана шу мақсад ёълида Хитой иқтисодий қонунчилигини ривожлантириди ва қуйидаги қонунларни ишлаб чиқди: қимматли қоғозлар, шартномалар, тендерларни ўтказиш ва тендерларда қатнашиш, трестлар, яқка тартибдаги

¹ Цзян Цземинь. О китайском социализме с китайской спецификой. – М., 2002. – С.50.

тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунлар. Шунингдек, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, Бутун Дунё Савдо Ташкилоти талабларига жавоб бериш мақсадида ташқи савдо Хитой ва хориж капитали асосидаги қўшма корхоналар, хорижий корхонлар, патентлар, савдо белгилари ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Қонунчилик фаолиятини умумлаштириш ва яхшилаш мақсадида Хитой қонунчилик кодексини ишлаб чиқди. Ўз самарадорлигини исботлаган қонуний тамойиллар ва тизимларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Социалистик демократия ва маданиятни ривожлантириш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва жамиятни ривожлантириш мақсадида қўйидаги қонунлар қабул қилинди: маъмурий қарорларни қайта кўриб чиқиш, олий таълим, касб касалликларининг олдини олиш ва даволаш тўғрисидаги қонунлар. Шунингдек, касаба уюшмалари, маданий бойликларни асраш, денгиз ва океанлар табиатни асраш ва дори дармонлар устида назорат тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Қонунларнинг самарали тадбиқ қилиниши таъминлаш мақсадида УВВХМ нинг доимий қўмитаси жинойт кодекснинг моддалари, Сянган махсус административ раёни асосий қонуни ва бошқа қонунлар юзасидан юридик изох берди. Шу аснода Хитойда социалистик ҳуқуқий тизим шаклланди. Янги асрга қадам қўйгандан сўнг, ХКПнинг 16-17-сездларида қўйилган ХХИ асрнинг биринчи 20 йиллигида ўрта ҳол бой жамиятни қуриш вазифасини бажариш мақсадида Хитойнинг тегишли идоралари қонунчилик фаолиятини кучайтирди ва қонунлар сифатини яхшилади. Булар социалистик демократияни такомиллаштириш, инсон манфаатларини таъминлаш, тенглик, ҳаққонийлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган.

Социалистик демократияни ривожлантириш мақсадида қўйидаги қонунлар ишлаб чиқилди: барча босқичдаги халқ вакиллари доимий қўмиталари устидан назорат, маъмурий рухсатнома, маъмурий мажбурлаш

ва бошқалар тўғрисидаги қонунлар. Халқнинг, юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлаш, социалистик бозор иқтисодиётининг соғлом ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги қонунлар ишлаб чиқилди: нарса буюм ҳуқуқи, қонунбузарликка жавобгарлик, корхонларда банкротлик, монополияга қарши кураш, ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши кураш, ташкилотларда даромад солиғи, автотранспорт ва кемалар учун солиқ, корхоналарнинг давлат активлари, банк соҳаси устидан назорат тўғрисидаги қонунлар. Ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш ва халқ форовонлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий суғурта, меҳнат шартномаси, иш топишга кўмаклашиш, халқ дам олиши, меҳнат зиддиятларини ҳал этиш ва озиқ овқат таъминоти тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилди.

Ресурсларини тежаш, атроф муҳитни асраш, манбалар ва атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан ёндашадиган жамиятни яратиш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари, иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилди. Ундан ташқари Хитой жамоат тартибини сақлаш ва ижтимоий назоратни кучайтиришга қаратилган бир қанча қонуний ўзгартиришларни қабул қилди. Ушбу барча қонунлар асосида маҳаллий ҳокимиятлар ўзларининг бир қатор маъмурий норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишган ва бу Хитойга ҳос социалистик демократик қонунчиликни ривожлантиришда катта рол ўйнаган. Қонунларни ягона тизимини таъминлаш мақсадида барча босқичдаги қонунчилк органлари биргаликда ишлашади. 2009 йилдан бошлаб, УХХВМ Доимий Қўмитаси, Давлат Кенгаши, халқ вакиллари маҳаллий йиғини ва уларнинг доимий қўмиталари, қонун ва норматив ҳужжатларни тартибга келтиришди. Бу жараёнда УХХВМ ДҚ 8та қонунни бекор қилди ва 59та қонунга ўзгартириш киритди. Давлат Кенгаши 7 та ҳужжатни бекор қилди 107та ҳужжатга ўзгартириш киритди. Халқ вакиллари маҳаллий йиғини ва уларнинг доимий қўмиталари 455та норматив ҳужжатни бекор қилди ва

1417тасига ўзгартириш киритди. Шу тарзда қонунлар ягона тизимга мослаштирилди. Янги Хитой пайдо бўлгандан кейин айниқса ислохот ва очиқлик сиёсати олиб борила бошлангандан кейинги 30 йил мобайнида Хитойнинг қонунчилик соҳаси мувоффақиятларга эришди.

2011-йил охирида Хитой амалдаги конституция ва 240та қонун 706та маъмурий норматив ҳужжатлар, 8600 ортиқ маҳаллий норматив ҳужжатларни қабул қилди. Шундай қилиб, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи барча муҳим қонун ва ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ягона тизимга мослаштирилди¹.

Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизим ХХР Конституциясида асослаб қўйилган. Шунингдек, қонунлар, ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ва маҳаллий ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Конституцион ҳуқуқ, тижорат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, иқтисодий ҳуқуқ, ижтимоий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, протсессуал ҳуқуқи ва нопроцессуал ҳуқуқлар ягона ҳуқуқий тизимни шакллантиради. Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизими ҳуқуқ тизими босқичлари. Конституция Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимининг ядроси ҳисобланади. Конституция давлатнинг асосий қонунидир ва бутун Хитой тинчлиги ва барқарорлигининг, миллий бирдамликнинг, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг қафолатидир. Хитойдаги барча элатлар барча давлат органлари, қуролли кучлар, барча партия ва жамоа ташкилотлари, барча ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи ташкилотлар Конституцияга мувофиқ ҳаракат қилиши, Конституция обрўсини сақлаши ва унинг самарадорлигини таъминлаши зарур.

ХХРнинг амалдаги Конституцияси Хитойга хос ва мос бўлиб, социалистик модернизациялаш вазифаларига жавоб беради. Давлат ичидаги ҳолатни барқарорлаштириш давлатни бошқаришда ҳукумат учун асосий қонун вазифасини ўтайди. ХХР Конституцияси 1982 йил умумхалқ

¹ Документы XVIII Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. Пекин, 2012. (срс.people.com.cn ХКП расмий сайти).

муҳокамаларидан сўнг, УХХВМ сессиясида қабул қилинган. Шундан сўнг, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш аҳволига кўра, УХХВМ Конституцияга 4 мартта ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. ХХР Конституцияси давлатнинг асосий вазифаларини ва асосий сиёсий тизимни шунингдек, ХКП нинг бошқарув ролини ҳамда Маоцзе Дун, Ден Сяо Пин ғояларининг давлат бошқарувидаги ролини белгилаб берди. ХХР Конституцияси шунингдек, халқ демократик диктатурасини белгилади. Бунда бошқарувни, ишчи ва деҳқонлар касба уюшмалари асосида ишчилар синфи олиб боради. Давлатдаги бутун ҳокимият халқга тегишли ва фуқаролар қонун асосида кенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга¹.

Шунингдек, Конституция ХКП бошқарувидаги партиялараро ҳамкорликни ва сиёсий консултат механизмини белгилаб берди. Қуйидаги тушунчлар ҳам конституцияда ўз аксини топди: Миллий автоном раёнлар системаси, қуйи босқичда ўз ўзини бошқарув органларини ташкил этиш, Хитойнинг асосий, иқтисодий тизими, шу жумладан давлат мулкисининг устунлиги ва инсон меҳнатига яраша ҳақ олиши. ХХРнинг амалдаги Конституцияси давлатнинг барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда ислохатлар ва очиқлик сиёсати ривожига мос ҳолда бетўхтов ўзгариб ва мукаммаллашиб бормоқда. Давлат ҳукумати ўз вақтида Конституцияга керакли ўзгартиришларни киритади. Шу тарзда Конституцияда давлатнинг ўзига хос ютуқлари ва янгиланишлари ўз ифодасини топади. ХХР Конституцияси энг юқори юридик кучга эга, барча қонунлар, ҳуқуқий нормативе ҳужжатлар ва маҳаллий ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга асосланади ва Конституциянинг асосий принципларига амал қилади.

Қонунлар Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимининг асосидир. Конституцияда айтилганидек, УХХВМ ва УХХВМ доимий қўмитаси давлатнинг энг олий қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланади. Улар ишлаб чиқган қонунлар барча ҳуқуқий тизимларнинг асоси ҳисобланади.

¹ Титаренко М.Л. Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. – М., 1994, - С.325.

Улар барқарорлик масалалари, узоқга мўлжалланган давлат ривож масалаларини ҳал қилади ва давлатнинг қонуний қафолати ҳисобланади. Маъмурий ва норматив ҳужжатлар ҳамда маҳаллий маъмурий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмайди. УХХВМ Жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича қонунлар ва давлат органлари тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқади ва уларга ўзгартиришлар киритади. Қолган барча қонунлар эса УХХВМ доимий қўмитаси томонидан қабул қилинади ва ўзгартирилади. УХХВМ сессияси ёпиқ бўлган ҳолатда УХХВМ Доимий қўмитаси баъзи қонунларга қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Давлат суверенитети, давлат органларига ҳуқуқ бериш миллий автоном районлар тизими, махсус административ районлар ва қуйи бошқичдаги ўз ўзини бошқариш ташкилотлари, жиноят ва жазо, инсонларнинг сиёсий ҳуқуқларини бекор қилиш, инсонларни озодликдан маҳрум этиш асосий ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий тизимлар, солиқ, божхона ва ташқи савдо шунингдек, арбитражга оид барча масалалар қонун доирасида белгилаб берилиши керак. УХХВМ ва УХХВМ доимий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган қонунлар давлатнинг ҳуқуқий системасининг асоси ҳисобланади ва иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ва экологик соҳаларни қамраб олади. Ҳуқуқий норматив ҳужжатлар Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимининг муҳим ташкилий қисмидир. Давлат кенгаши Конституцияга мувофиқ равишда ҳуқуқий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади. Бу Конституция ва қонунлар бўйича давлат кенгашининг асосий вазифасидир¹.

Ҳуқуқий норматив ҳужжатлар қонунлар ижроси бўйича қоидаларни ўз ичига олади. Шунингдек, давлат кенгаши УХХВМ ва УХХВМ Доимий қўмитаси қарорига мувофиқ маъмурий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу ҳужжатлар Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимида муҳим рол ўйнаб, тегишли қонунларни изоҳлаб беради. Давлат

¹Ли Пэн. Доклад о девятом пятилетнем плане экономического и социального развития и перспективно-целевой программе до 2010 года. (www.chineseconsulate.org.)

кенгаши ижтимоий, иқтисодий ривожланиш ва маъмурий назорат эҳтиёжларини кўзлаб бир қатор маъмурий ҳужжатларни ишлаб чиқди. Бу ҳужжатлар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларга оид ва Хитой Конституция қонунларини амалга тадбиқ этишда катта рол ўйнайди.

Маҳаллий норматив ҳужжатлар ҳам Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Конституция ва қонунларга кўра, провинция, автоном район, марказий шаҳарлар ва жуда йирик шаҳарлардаги халқ вакиллари йиғинлари ва уларнинг доимий қўмиталари маҳаллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади. Шу тарзда халқ давлат бошқарувида қатнаша олади. Бу жараёнда улар Конституцияга зид ҳужжатларни қабул қила олмайди. Ушбу маҳаллий норматив ҳужжатлар тегишли доимий қўмита томонидан тасдиқланиши керак.

Миллий автоном районлардаги халқ вакиллари йиғинлари автономия ва бошқа амладаги қоидаларга маҳаллий миллатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қоидаларни ишлаб чиқади. Миллий автономияларда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар асосий Конституцияга мос бўлиши керак ва УХХВМ доимий қўмитаси томонидан тасдиқланиши керак¹.

Махсус иқтисодий зоналари жойлашган шаҳар ва провинсиялар халқ вакиллари йиғинлари Махсус иқтисодий зоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қоидаларни ишлаб чиқади. Махсус иқтисодий зоналари бўйич қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар асосий Конституцияга мос бўлиши керак ва УХХВМ доимий қўмитаси томонидан тасдиқланиши керак. Маҳаллий норматив ҳужжатлар Хитойга хос социалистик ҳуқуқ тизимида муҳим аҳамиятга эга².

Давлат ҳуқуқий тизимининг ривожланиши ва мукаммаллашиши натижасида пайдо бўлган бу ҳужжатлар давлатнинг қонунларига изох

¹ Фань Маофа. Тяочжэн гайгэ сылу кайчуань гайгэ синь цзюймянь (Урегулировав концепцию реформы, создать новую ситуацию в области реформы) – Гайгэ, 1989. – С.54.

² Bowles, Paul and White, Gordon. The Political Economy of China's Financial Reform. – San Francisco, 1993. – P.178.

беради. Маҳаллий Халқ Вакиллари йиғинлари ва уларнинг доимий кўмиталари қонун ишлаб чиқиш бўйича ўзларининг ҳуқуқларидан фаол равишда фойдаланишади. Жойлардаги ижтимоий, иқтисодий ўсиш суръатларига қараб, улар Конституцияни амалда қўллашга ёрдам берадиган кўпгина норматив ҳужжатларни қабул қилишди. Бу ҳужжатлар ислохотлар ва очиқлик ҳамда социалистик модернизация сиёсатини қўллаб қувватлайди. Халқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаб унинг таълим олиш, ижтимоий суғурта, тиббий хизматлардан фойдаланишига шароит яратиб бериши керак¹.

Маданият, фан ва техникага оид қонунчиликка ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Бу соҳадаги барча қонунлар маданият, фан ва техника ривожига кенг йўл очиши керак. Экологик соҳага оид қонунлар ҳам катта эътибор талан этади. Тежамкор манбалардан фойдаланиш, атроф муҳитни асраш, энергия ресурсларини тежаш, каби муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли қонунларни ишлаб чиқиш лозим. Турли қонунларни ишлаб чиқиш баробарида уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига ҳам катта эътибор бериш лозим. Ишлаб чиқилган қонунларни халқ оммасига тушунтириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш муҳим вазифадир.

Дарҳақиқат, қонунлар ижросини мунтазам текшириб бориш, уларни халққа етказиш учун тегишли давлат ўрганлари фаолиятларини тўғри ташкил этиш лозим. Илмий ва демократик қонунчиликни ривожлантириб, сифатини ошириб бориши лозим. УХХВМ депутатларининг қонун яратишдаги иштирокини кенгайтириш лозим. Жамоатчиликнинг ҳам бу жараёндаги иштирокини таъминлаш фойдалидир. Қонун лойиҳаларини халқ билан биргаликда муҳокама ва таҳлил қилиб, жамоат фикридан келиб чиққан ҳолда уларни қабул қилиш керак. Қонунларни қабул қилишдан олдин ва кейин улар юзасидан дебатларни ташкил этиш ҳам қонунлар самарадорлигини янада оширади.

¹ Bowles, Paul and White, Gordon. The Political Economy of China's Financial Reform. – San Francisco, 1993. – P.179.

2. Мамлакат ички сиёсатидаги ислохотлар ва уни эркинлаштириш жараёни

Мамлакатда сиёсий ислохотларни амалга ошириш Дэн Сяопин томонидан 1980 йиллардаёқ қўтарилган эди. Ўтган 30 йил ичида бу борада баъзи ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай кўп муаммолар ўз ечимини топмаганлиги таъкидлаб, сиёсий ислохотлар масаласини яна кун тартибига қўйилишини талаб қилди. “Акс ҳолда катталашиб, кенгайиб кетган бошқарув аппаратимизда, бюрократизм, сўз ва иш мос келмаслигида бу ахволда биз ҳуқуқларни инкор қилганимизда, уларни кимдир олиб қўйиб, хўжалик тизими ислохотини тўхтатиб қўювчи тормозлашни вужудга келиши муқаррар”. Бу ҳақда Дэн Сяопин ХКП МҚ котибиятига масалани чуқур, ҳар тарафлама мушоҳада қилиб, йил давомида барча материалларни ўрганиб чиқиб маълум тизимга солиш сўнгра, сиёсий тузилмани ислох қилишга киришишни таклиф қилди¹.

Илмий ва ижодий зиёлиларнинг кўзга кўринган вакиллари матбуотдаги ва талабалар олдидаги чиқишларида сиёсий ислохотларга Хитой ижтимоий тараққиётининг мустақил мақсади сифатида қарашга чақирдилар. Шунингдек улар бу соҳада ғарб-европа, америка тажрибасини фаол ўзлаштиришга, хусусан ҳокимиятни бўлиш амалиётида чақирдилар².

Мамлакатда иқтисодий ўзгаришлар соҳасидаги ишни Чжао Цзиян, сиёсий ислохотлар жараёнларини Ху Яобанлар назорат қиларди. Унинг тарафдори бўлган ХКП МҚ Сиёсий бюроси аъзоси Ху Цили баҳорда Шанхайда илмий зиёлилар вакиллари билан учрашувда 4 янгиланишни амалга оширишда “жамиятшунос-олимларнинг ғоялари, партия ва ҳукуматнинг тафаккур маркази сифатида тўла фойдаланиш”га чақирди. Жамиятшунослар билан иттифоқ истиқбол сари илгарилашимизнинг асоси дея турли даражадаги партия раҳбарларига йўл-йўриқ кўрсатилди. Партия-

¹ Chan Steve. East Asian Dynamism. Growth, Order, and Security in the Pasific Region. – NY, 1993. – P.205.

² Титаренко М.Л.Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре Китая. – М., 1994. – С.325.

давлат аппаратини қисқартириш ва коррупцияга қарши кураш билан бир пайтда, Ху Яобан иқтисодда бешйиллик режаларини муваффақиятли бажаришга ёрдам берадиган мафкура, маданият ва сиёсат ривожини соҳасида яхлит бир дастурни яратиш ташаббуси билан чиқди. У ХХР ижтимоий-сиёсий ҳаётини назорат қиладиган ХХР МҚ Котибияти ва тарғибот бўлими, маданият вазирлиги ва бир қатор бошқа ташкилотларда кадрларни ўзгартириш ташаббускори бўлди. Маданият вазири лавозимига таниқли адабиётшунос Ван Мэннинг, тайинланиши зиёлилар орасида ижобий қўллаб-қувватланди¹.

Ху Яобан МҚ Бош котиби лавозимида, Дэн Сяопин ҳомийлигидан фойдаланиб, ўз раҳбарлик услуби ва қабул қилаётган қарорлари билан ўзининг мустақиллигини намоён қилишга интилиб, мамлакат раҳбариятидаги нуфузли кучлар –“эски гвардия”, ҳарбийлар, ва маълум даражада Дэн Сяопин билан муносабатларини кескинлаштирди. Ху Яобан Армиянинг сонини ва ҳарбий харажатларни қисқартиришга ундагани, бунинг ҳисобидан пайдо бўлган маблағларни иқтисодий қурилишга сарфлаш орқали илгари Дэн Сяопин белгиллаганидек, 2000 йилга келиб ички миллий маҳсулотнинг икки марта кўпайишига эришишга олиб келиши таъкидлаб ўтилганди. Шунингдек партия давлат раҳбарияти орасида ёшларни қўллаб қувватлаш, табиийки баъзи кекса раҳбарларга маъқул келмади.

1986 йил 13 сентябрда Чжао Цзянь Дэн Сяопин номига ёзма докладнома киргизди. Унда: “Социалистик янгиланишни жадаллаштириш мамлакатнинг узоқ ва барқарор ривожланишига эришиш учун сиёсий тизимни ислоҳ қилиш суръатларини тезлаштириш зарурлиги”,- айтилган эди. Вазир ХКП 13 съездида сиёсий ўзгаришларнинг яхлит дастурини тайёрлаш мақсадида, МҚ қошида тузилма сиёсий ислоҳоти муаммоларини ўрганувчи партия ва ҳукумат бир қатор раҳбарларидан иборат бўлган

¹Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – С.59.

гуруҳ ташкил қилишни таклиф қилди. Бу таклифни Дэн Сяопин маъқуллади ва тез орада бундай гуруҳ тузилди ва ишга киришди.

“Талабалар ислохотларнинг сушт суръати ва уларга берилган фуқаролик ҳуқуқлари миқёсидан қаноатланмаётгани ҳамда партия раҳбарлиги услубидан норози”,- деб қайд қилди, 1987 йилнинг бошида пойтахтдаги 4 та университет Пекин, Цинхуа, Халқ университети ва педагогика институти талабаларнинг “кайфиятларини ўрганган” комиссия. Талабалар социализм Хитой ижтимоий тараққиётининг қонуний босқичи бўлмай мамлакатда зўравонлик билан амалга оширилган деган фикрни билдирдилар. Ёшлар анъанавий хитой маданиятини “қолоқ”, “қуллик маданияти” деб баҳоладилар¹.

Баъзи талабалар замонавий шароитда мамлакатни модернизациялашда етакчи роль ўйнашга қодир эмаслигини очикдан-очик айтдилар. Мао Цзедуннинг ғоялари кескин танқидга учраб “феодал-деҳқон тафаккури аралашмаси” деб эълон қилинди. 1986 йил октябрь-декабрь ойларида пекин олий ўқув юртларида сиёсий ислохотлар ва демократлаштириш муаммоларига бағишланган 20 митинг ва илмий семинарлар бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Хитойнинг бошқа шаҳарлари Шанхай, Ханчжоуда бўлиб ўтди. 4 декабрда Хэфэя шаҳридаги Технология институтида талабалар ва ўқитувчиларнинг 2 минг кишилиқ митинги бўлиб ўтди. 5-9 декабрда шаҳарда 2000-5000 кишилиқ митингда талабар “битсин бюрократия!”, “Юқоридан берилган демократиянинг бизга кераги йўқ!”, “Феодал кўрғонларни яксон қиламиз!” деган шиорлар билан чиқдилар².

20-22 декабрда Шанхайда 40-60 минг киши иштирокидаги оммавий чиқишлар бўлди (Дэн Сяопиннинг маълумотларига кўра талабаларнинг норозилик чиқишларида мамлакат умумий талабаларнинг 1-2% агар 1986 йилда 1,88 млн.- талаба бўлса, бу 18,8-33,6 минг киши). Талабаларни

¹ Дэн Сяопин. Избранные труды(1975-1982). – Пекин, 1983. – С.8-9.

² Дэн Сяопин вэньеюань. Ди сань цзюань. (Избранное Дэн Сяопина. Том 3). – Пекин, 1993. – С.

баъзи жойларада ишчилар қўллаб қувватладилар. Мс. 1986 й. 21 декабрда бўлган намойишда иштирокчилар талабаларга 1000юандан кўпроқ пул бердилар.

Бу оммавий чиқишларни қуролланган полиция кучлари билан бостиришга муваффақ бўлишди. Талабаларнинг норозилик чиқишлари мамлакатнинг 15-20 тача шаҳарларини камраб олди. Расмий маълумотларга қараганда 1986 йил 24 декабрдан 27 декабрга қадар ройтахт олий ўқув юртларида жуда катта тиражда 200 танқидий ва сиёсий мазмундаги варақалар тарқатилди. 29 декабрда Пекин университети ОЎЮ талабалари учрашувида ҳукумат олдига 4 та талаб қўйилди: 1) “Кўча намойишлари ҳақида Низом”ни бекор қилиш. 2) ХКПдан мустақил бўлган Хитой зиёлиларининг газетасини таъсис этиш. 3) Пекин талабаларининг демократик иттифоқини таъсис этиш. 4) Кўппартияли бошқарувга эришиш. Шу жойнинг ўзида Тяньаньмэнь майдонида янги йил намойишини ўтказиш ғояси пайдо бўлди. Талабалар “Битсин сиёсий зўравонлик!”, “Сўз ва матбуот эркинлиги учун!” шиорлари билан намойишга чиқдилар. Бироқ бу ҳаракат 10 минут давомида тарқатиб юборилди. Бу Пекиндаги талабаларнинг сўнгги намойиши бўлди¹.

1987 йил 16 январда бўлиб ўтган ХКП МҚ Сиёсий бюросининг кенгайтирилган йиғилишида бўлиб ўтган ҳаракатлар учун жавобгарлик Ху Яобан зиммасига юкланди. У МҚ ишининг самарадорлиги зарари ҳисобига ишга ёшларни жалб қилганликда, махфий ахборотга эга бўлган кўп сонли норасмий ҳужжатларни ошкор қилганликда, партия кўрсатмаларини менсимаслик, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ниҳоятда катта “радикализм”га йўл қўйганликда, хорижий меҳмонларни қабул қилишда катта маблағлар сарфлаганликда, буржуа либерализациясига муносабатда кўнгилчанликда айбланди. Ху Яобан “принципиал характердаги муҳим

¹ Дун Фужэн. Шэхуйчжуи цзинци чжиду цзи ци ююэсин. (Экономический строй социализма и его преимущества). – Пекин, 1981. – С.214.

сиёсий масалаларни ҳал қилишда коллектив раҳбарлик тамойилларига риоя қилмасликда акс этган” бу хатоларни “тан олишга” мажбур бўлди¹.

У ўз лавозимидан бўшатишларини сўради. Унинг илтимосини ХКП МҚ сиёсий бюроси доимий кенгаши аъзоси лавозимларини сақлаб қолгани ҳолида қондириш қарори қабул қилинди. Чжао Цзиян ХКП МҚ Бош котиби лавозими вазифасини бажаришга тайинланди. ХКП МҚ Котибияти илмий-тадқиқот кабинети ХКП МҚ 11 чақириқ ИИИ Пленумидан бошлаб муҳим ҳужжатлар мужассамлашган “Буржуа либерализациясига қарши 4 тамойилга қатъий амал қилиш” махсус йўриқномани 1,3 млн нусхада чоп қилди. Март ойида партия марказий қўмитаси ва маданият вазирлиги сафларини тозалаш амалга оширилди. ХКП марказий қўмитаси тарғибот бўлими мудир Ван Шэньчжи лавозимидан бўшатилади.

1986-1987 йилларда ислохотларнинг бир мунча тўхтаб қолиши хўжалик ўсиши суръатларининг пасайиб кетиши хавфини туғдирганди. Бу ҳолат Дэн Сяопин ва Чжао Цзинни “буржуа либерализацияси” билан кураш доирасини чегаралаш фикрига келтирди.

15 мартада УХХВМнинг навбатдаги сессиясида Чжао Цзиян “буржуа либерализацияси билан кураш ишлаб чиқариш кучлари ривожига, ислохотлар ва эркинлик, “юзлаб гуллар гуллаши” кўрсатмасига ва зиёлилар ижодий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги” ҳақида огоҳлантирди.

28 апрелда Чжао Цзиннинг қилинган ишлар тўғрисида берган ҳисоботидан кейин, Дэн Сяопин: “Ўтган йили бўлган ғалаёнлар ислохотлар ва очиқликка ҳеч ҳам таъсир кўрсатмаслиги керак. Ислохотлар ва очиқлик сиёсатини нафақат давом эттириш, балким тезлаштириш лозим”лигини таъкидлади².

Чжао Цзин май ойида матбуот ва партия ўқув юртлари ходимлари олдидаги чиқишида ислохотлар бошлангандан буён илк бор мамлакатдаги

¹ Bowles, Paul and White, Gordon. The Political Economy of China's Financial Reform. – San Francisco. 1993. – P.170.

² Цзинлянь. Шичан цзинцзи ды пэйюй хэ юньцзо (Формирование и функционирование рыночной экономики). – Пекин, 1993. – С.302.

ўзгаришларга консерватив оппозициянинг мавжудлигини очик тан олиб, келишмовчиликлар характерини таърифлаб, уларни 3 йўналишга бўлди. “Биринчидан,- баъзилар иктисоднинг ҳозирги аҳволи ёмон ва бунинг сабабини тузималар ислоҳотида деб ҳисоблашади. Иккинчидан,- баъзилар товар хўжалигига йўналтиришни ва хўжалик мустақиллигини кенгайтиришни капитализм ва хусусий мулкчиликнинг белгилари деб қабул қилдилар. Учинчидан,- баъзилар буржуа либерализацияси билан кураш сиёсий ислоҳотлардан воз кечишни билдиради, деб ўйлайдилар”. Баъзи маълумотларга қараганда “эски гвардия” таркибининг баъзи арбоблари (Дэн Лицюнь, Пэн Чжен) Чжао Цзинга очикдан очик қарши чиқдилар, бироқ Дэн Сяопин улар билан шахсан учрашиб, кескин танқид қилди.

Март ойида Дэн Сяопин ХКП 1987 йил кузида бўладиган ХИИИ съездда сиёсий ислоҳот лойиҳаси тақдим қилинишини маълум қилди. Июнь-июль ойида Дэн Сяопин съездда ХКП МҚ Сиёсий бюроси аъзолиги лавозимидан истеъфога чиқиб, “қандайдир ролни ўйнаш учунгина” фақат бир амални сақлаб қолишига шаъма қилди. Ёзнинг бошида Чжао Цзян раҳбарлик қилаётган “тафаккур марказлари” Дэн Сяопиннинг маъқуллаши билан навбатдаги партия съездига якуний ҳужжатларни батафсил назарий ишлаб чиқишга киришдилар.

Бу даврга келиб бўлаётган воқеаларни назарий мушоҳада қилишга, марксизм нуқтаи-назаридан асослашга кескин эҳтиёж туғилди. Айнан шу пайтда “хитойча хусусиятдаги социализм” таърифи пайдо бўлди ва социализмнинг бошланғич босқичи концепцияси якуний кўринишда шакллана бошлади. Хитойча Социализмнинг бошланғич босқичи тўғрисидаги тезис илк бор Е Цзяньиннинг 1979 й. ХХР ташкил топганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда пайдо бўлиб, 1981 й. ХКП МҚ 11 чақириқ ВИ пленуми қарорларида такрорланди. Сўнгра у ХКП ХИИ съездида (1982 й.) Ху Яобаннинг маърузасида эслатилди.

Социализмнинг бошланғич босқичи ҳақидаги концепция кенгайтирилган кўринишда Чжао Цзяннинг ХКП ХИИИ съездида (1987 й.октябрь) маърузасида илк бор баён қилинди. У Дэн Сяопин томонидан тўла ва бутунлигича маъқулланди¹.

Социализм бошланғич босқичи назариясининг расман қабул қилинишидан илгари, 1949 йилдан кейин ХХРда вужудга келган шароитда жамият характери ҳақидаги жонли ва кескин баҳс мунозаралар бўлиб ўтди. Олимлар, давлат арбоблари ва партия ходимлари бу жамиятни социалистик деб аташ нечоғлик тўғри бўлиши ҳақида баҳслашдилар. Ислохотларнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олим Чэнь Ицзи ўзининг китобида 80-йилларнинг бошларида бўлган баҳс мунозалардаги баъзи асосий фикрларга якун ясади.

1) Умуман олганда социалистик система яхши, бироқ у Мао Цзедун хатолари ва “тўртлар”нинг жиноий ҳаракатлари туфайли ўзини тўлалигича намоён қила олмади. Хатоларни тузатиб, ХХР социализмни муваффақият билан қура олади.

2) Социалистик система асосан ижобий томонларга эга, бироқ унда баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Унга “тўртлар” Мао Цзедун каби тизимнинг камчиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб катта зарар етказдилар. Вазифа шундан иборатки, бу системани яхшилаш ва такомиллаштириш керак.

3) Халқ хўжалигини режалили социалистик бошқарув системаси объектив қоқнуниятларнинг бузилишига олиб келди, омманинг фаоллашувига имкон бермади. Ҳокимиятнинг марказлашуви омманинг эркинлигини бўғиб, инсон ҳуқуқларини бузади. Бозор иқтисоди ва сиёсий демократиясиз Хитойнинг тараққиёт йўлидан муваффақиятли илгарилаш истиқболсиз деб таъкидлаб ўтилганди.

¹ Naughton Barry. Deng Xiaoping: The Economist. China Quarterly. – London, 2009. – P.89.

Биринчи икки нуқтаи назарнинг тарафдорлари 80-йилларда Хитой иқтисодидаги янги тартибларни социализм асосларига путур етказувчи тадбирлар деб баҳоладилар. Улар Хитойда 1966 йилга қадар мавжуд бўлган “ҳаққоний” социализмни тиклашни ёқлаб чиқдилар.

Бу нуқта назарлар асосида иқтисодий ва маданий қолоқликни енгиш, хартомонлама янгиланиш ва халқнинг турмуш даражасини ошириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, “хитойча хусусиятга эга бўлган социализм” ёки “социализмнинг бошланғич босқичи” деб олган янги концепция ишлаб чиқилад бошлади. Бу концепция нафақат ўз миллий тажрибасига таяниб, Венгрия, Югославия тажрибасини; Япония, АҚШ, Германия каби бозор иқтисодида асосланган ривожланган мамлакатларнинг бошқарувни ташкил қилиш усулларини; Осиёдаги янги индустриал мамлакатларнинг тезлик билан иқтисодий юксалишини таъминлаган омилларни объектив, синчиклаб ўрганиш асосида ишлаб чиқилди¹.

Социализмни янгича англаш ғояви-сиёсий кураш муҳитида шаклланди. Коммуналарнинг тугатилиши ва оилавий пудрат тизимида ўтилиши, саноатда янги хўжалик шакллариининг киритилиши, товар-пул муносабатлари соҳасининг кенгайиши – буларнинг барчасини ислохотлар душманлари ёқтирмасдан, социализм тамойилларининг бузилиши деб қораладилар. Ижарага берилган ёки акционерлик асосида ишлашга ўтган корхоналар, шунингдек индивидуал ва хусусий корхоналар пудрат тизими амалиёти умумлаштирилди.

Махсус иқтисодий зоналар тажрибаси ўрганилди, ижтимоий фикр тадқиқ қилинди, ХХРдаги мунозаралар натижаси умумлаштирилди. Буларнинг барчаси биргаликда социализм, уни Хитойда қуриш йўллари ва шакллари тўғрисидаги янги концепцияни шакллантириш имконини берди, қайсики бу Чжао Цзяннинг ХКП ХИИИ съездида “Хитой хусусиятили социализмни қуриш сари олға” деб номланган ҳисобот маърузасида

¹ Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – М., 1992. – С.79.

кенгайтирилган ҳолда баён қилинган ва асосланган эди. Хитой социализмнинг бошланғич босқичида турибди деб айтилди.

Хитойнинг янги даврдаги конкрет тарихий шароитида хитой халқининг капитализмнинг тўла тараққиёти даврини четлаб социализм йўлидан одимлаши имконини тан олмаслик, съездда айтилганидек, революциянинг ривожланиши масаласидаги механицизм, ўнг оғмачилик хатосининг асосий ғносеологик манбасидир, ишлаб чиқариш кучларининг юксак ривожини амалга оширмай социализмнинг бошланғич босқичидан хатлаб ўтиш имкониятини тан олиш – революция ривожини масаласида хомхаёллиқ, сўл оғмачилик хатосининг асосий ғносеологик манбаси эди.

Мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини идрок билан баҳолаш, товар ҳўжалигининг ривожланмаганлиги, қашшоқлик ва қолоқликни тан олиш шундай бир сиёсатни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги хулосага олиб келдики, диққат марказига синфий кураш эмас, балки ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, модернизацияни амалга ошириш қўйилиши керак эди¹.

Съезд иқтисодни ривожлантириш соҳасида уч хронологик босқичдан иборат бўлган стратегик ҳаракатлар планини ишлаб чиқди. Бу 1985 йилдаёқ Дэн Сяопин томонидан таклиф қилинган эди. Биринчи босқичда ички ялпи маҳсулотни ҳажмини 1980 йилга нисбатан 2 бараварга ошириш режалаштирилди, аҳолини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш. Иккинчи босқичда, XX аср охирига келиб, аҳолининг ўртача фаровон турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ички ялпи маҳсулотни яна 2 мартага ошириш.

Учинчи босқичда ХХИ аср ўртасига келиб аҳолининг ўртача жонбошига ички ялпи маҳсулот ўртача ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиши, аҳолининг янада фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган эди. Сармояляштириш, моддий ресурслар, молия, пул муносабатлари, ташқи савдо, корхоналарнинг ҳўжалик механизмини

¹ Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – С.58.

ўзгартириш соҳаларида ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш зарурлигини таъкидланди. Чжао Цзиянь “ишлаб чиқаришни мулкчилик ҳуқуқини хўжалик ҳуқуқидан ажратиш йўли орқали жонлантириш”ни талаб қилди. Директорлар жавобгарлиги тизимини, шунингдек мулкчиликнинг акционерлик ва ҳиссадорлик шакллари жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Хусусий тадбиркорликнинг фаол иштирокидаги аралаш иқтисодни шакллантириш курси тасдиқланди¹.

ХХР хўжалик механизмини ислоҳ қилиш амалиётини назарий умумлашмаси сифатида Чжао Цзиян эслатилган тезисни тақдим қилди “давлат бозорни бошқаради - бозор корхоналарни йўналтиради”, съезд кулуарларида ундан сўнг бу қуйидагича талқин қилинди: умумдавлат даражасида планлаштириш етакчи роль ўйнайди, провинциялар ва шаҳарлар даражасида - режалаштириш ва бозор бошқарувининг бири-бирини қоплаши, корхона даражасида устиворлик бозорга берилади.

“Социалистик товар хўжалиги ривож,- таъкидлади Чжао Цзиян бозорнинг ривож ва такомиллашуvidан ажралмасдир, бозор бошқарувига мурожаат қилиш бу ҳали капитализмни жорий қилиш эмас”.

Чжао Цзиян томонидан тақдим қилинган Хитойни ривожлантириш концепцияси бекамукўстлққа даъво қилмасди. У назарий тадқиқотларда изланиш ва очиқлик руҳини рағбатлантиришга чақирар эди. Моҳиятан у илгари Дэн Сяопин тмонидан билдирилган фикрларга назарий тизим характерини бериб, бунда асосий урғуни догматик тасаввурлар ва қарашлар билан курашиш зарурлигига берди².

ХКП МҚ 13-чақириқ И пленумида Сиёсий бюро давлат кенгаши аъзолигига Чжао Цзиян, Ли Пэн, Цяо Ши, Ху Цили ва Яо Илинъ, МҚ Бош котиблигига Чжоу Цзиян сайландилар. Дэн Сяопин ваъда қилганидек Чен Юнь билан ХКП МҚ доимий кенгаши таркибидан чиқди. Дэн Сяопин ХКП

¹Дэн Сяопин вэньеюань. Ди сань цзюань. (Избранное Дэн Сяопина. Том 3). – Пекин, 1993. – С.47; Ду Жунышэн. Чжунго нунцунь цзинцзи гайгэ. (Реформа сельской экономики Китая). – Пекин, 1985. – С.87.

²Дун Фужэн. Шэхуйчжуи цзинцзи чжиду цзи ци ююэсин. (Экономический строй социализма и его преимущества). – Пекин, 1981. – С.80.

МҚ Ҳарбий кенгаши раиси лавозимига сайланди. Чэн Юнь ХКП интизомни назорат қилувчи Марказий комиссияси раиси лавозимига тасдиқланди. ХКП МҚ Сиёсий бюроси пленумга мурожаат қилиб, Дэн Сяопинни доимий кенгаш таркибидан чиқариш тўғрисидаги ўз номзодига эътирозини рад қилди, партия ва давлатнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда унинг роли ва ўрни ўзгаришсиз қолиши, ва кескин вазиятларда илгаригидек унинг ҳал қилувчи овози зарурлигини таъкидлади¹.

ВСНПнинг 7-чақириқ 1-сессиясида (1988й. март) Ян Шанкунь ХХР Раислигига, Ван Ли- УХХВМ Раиси, Ли Пэн – Давлат кенгаши Вазири лавозимига сайландилар (у бир пайтнинг ўзида хўжалик тизимини ислоҳ қилиш Комитети раиси лавозимини ҳам эгаллади), Ли Тэин эса Таълим кўмитаси раиси лавозимига ўтказилди. 1985-1988 йй. инфляция даражаси сезиларли даражада ўсди. 1988 й. у 18,5% ошиб кетди. Бу аҳолининг чексиз норозилиги олиб келди ва ташвишга солди. 1988 й. ёзида инфляциянинг ўсиши шароитида нархларни ҳар томонлама ислоҳ қилишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Нархларни белгилаш тизимини ислоҳ қилиш масаласи-ХХР раҳбарлари ва иқтисодчилари орасида жуда катта мунозаларга сабаб бўлди. Уни амалга оширишга бир неча бор уриниб кўрилди, бироқ улар сезиларли силжишларга олиб келмади. Нархлар, маошлар тизимини ислоҳ қилиш масаласи ХКП Сиёсий бюросининг 30 май-1 июндаги йиғилишида яна бор кўриб чиқилди. Бир туркум муҳим товарлар ва хизматлар нархини давлат назорати остида сақлаш, аксарият товарларга эса эркин “сузувчи” нархлар жорий қилиш кўзланди.

Бу тадбирлар натижасида нархларнинг муқаррар ўсишини компенсация қилиш мақсадида, ишчи ва хизматчиларни шу пайтдаги турмуш даражасида кафолатлаш учун, маошлар ва уларга қўшимчаларни кўтариш белгиланди. Раҳбариятда яқин келажакда бундай ислоҳотга қулай

¹ Дэн Лицунь. Сян Чэнь Юнь тунҷи сюэси цзо цзинцзи гунцзо. (Учиться ведению экономической работы у товарища Чэнь Юня) – Наньчан, 1981. – С.214.

шароит яратувчи иқтисодий аҳволнинг ҳар қандай яхшиланиши эҳтимолдан узоқ, шунинг учун ҳам у қанча эрта бошланса, кам харажатлар билан амалга ошади, деган фикр устунлик қилган эди.

19 майда Дэн Сяопин “ислоҳотларни тезлаштиришга фақатгина нархларни тартибга солиш орқали эришиш мумкин” деб таъкидлади. Гўшт, шакар, тухум ва сабзавотлар нарҳини эркинлаштириш ҳақидаги қарор аҳолида катта норозилик уйғотган бўлсада, “нархларни ислоҳ қилишни четлаб ўтиб бўлмасди. Бундай жиддий иқтисодий вазиятда нархларнинг белгилаш тизимини ислоҳ қилишга махсус бағишланган ХКП МҚ 13-чақириқ ИИИ пленуми 1989 йилда уни кенг миқёсда ўтказишдан воз кечиб, халқ хўжалигини “тартибга солиш”га, иқтисодда тартиб ўрнатишга киришди, бу соҳадаги туб ўзгаришларни амалга оширишни 1991 йилга кўчирди. Иқтисодий муҳитни соғломлаштириш учун ижтимоий эҳтиёжни қисқартириш, инфляцияни жиловлаш, бунинг учун эса қатъий ва самарали чоралар қабул қилиш ва шу пайтдаги иқтисодий фаолиятдаги чалкашликларга чек қўйиш керак¹.

Сал илгари Давлат кенгашида нархларни ислоҳ қилишнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи орган ташкил этилган эди. Унинг дастлабки варианты Давлатплани раиси Яо Илин томонидан тайёрланиб, сентябрдаги ишчи йиғилишга тақдим қилиниши лозим эди ва у ХКП МҚ ИИИ пленумида “умуман маъқулланди”.

Матбуотда баъзи иқтисодчиларнинг эҳтиёжларни маъмурий йўл билан чеклаш таклифларнинг қисқариши, ишлаб чиқаришни таназзулга, ишсизликнинг кўпайиши, бозордаги камёбликнинг чуқурлашувига, охир оқибатда – юқоримарказлашган эски иқтисодий тизимга қайтишга олиб келади деган фикрлари пайдо бўлди².

¹ Дэн Лицунь. Сян Чэнь Юнь тунҷи сюэси цзо цзинцзи гунцзо. (Учиться ведению экономической работы у товарища Чэнь Юня) - Наньчан, 1981. – С.202.

² Цзян Цзэминь. Данцянь ды цзинцзи гунцзо. (Об экономической работе в настоящее время). //- Жэньминь жибао. 02.06.1993. – С.16-20.

Зиёлиларнинг катта қисми сиёсий тизимни ислоҳ қилишни фаолроқ амалга оширишни талаб қилди. “Ҳалол ва нуфузли ҳукумат – бу асосий масала бўлиб, ислохотлар истикболи унга боғлиқ. Ҳалол ҳукуматни тузишдаги бош йўл – сиёсий тизимни тубдан ислоҳ қилишда”, - деб ёзган эди “Халқаро иқтисодий ахборотнома” октябрнинг бошида.

ИИ боб бўйича хулоса

Пекиндани “Иқтисод” ҳафтаномаси ва Шанхайдаги “Шицзе цзинци даобао” ҳафтаномасида Хитой Сиёсатшунослик институти профессори Ян Цзяциннинг фикрини босиб чиқарилди. У иқтисодий тартибни жорий қилишни “турғунликка” олиб келувчи омил сифатида танқид қилди. Шунингдек “Лю Шаоци ҳокимиятини белгиланган тартибга амал қилмаган ҳолда алмаштиришнинг муваффақиятсизлигини” такрорламасликка чақириб, ХХРда “маданий инқилоб”да бўлганидек ҳокимиятни белгиланган тартибга амал қилмаган ҳолда алмаштиришга йўл қўймаслик” ликни таъкидлади¹.

Сиёсий тизимни ислоҳ қилишни коррупцияга қарши курашнинг энг самарали усули деб қарадилар. “Чириш кўринишларига қарши курашнинг икки йўли бор”, - деб ёзди юқорида кўрсатилган ҳафтанома,- биринчиси- бу онгли гражданинни тарбиялашга таяниш, иккинчиси- сиёсий тизимни кескин янгилаш. Биринчи йўл анъанавий жамиятга хос, иккинчиси- замонавий жамиятга”. Шунга қарамай ХКП МҚ коррупцияга қарши кураш йиғилиши (1989 й. январь) ҳақидаги расмий ҳисоботда сиёсий тизим ислоҳоти ҳақида бир сўз ҳам эсга олинган эмас.

Хитой институти директори Су Шаочжининг ноябрь маърузаси жамиятда катта қизиқиш туғдирди. У ХХР амалга ошаётган “маънавий ифлосланиш”га ва “буржуа либерализацияси”га қарши кураш кампанияси моҳиятан бошқача фикрлашни сиёсий таъқиб қилишни бекитиш эди. Су

¹ Цзян Цземинь. О китайском социализме с китайской спецификой. – М., 2002. – С.92.

Шаочжи жамиятшуносларни марксизм чуқур инқирозга учраганини тан олишга чақирди. Бунинг сабабини субъективизм ва догматизмда деб кўрсатди. Шунингдек у бугунги кунга қадар мамлакатда ҳар қандай тадқиқот мавзуларини тақиқлашга йўл қўймаслик ҳақидаги кўрсатмаларга қарамасдан, амалда очик муҳокама қилиш тақиқланган, жумладан “маданий инқилоб”, ХКП тарихининг баъзи жиҳатлари, илмий коммунизм назарияси ва осиёча ишлаб чиқариш воситаси каби мавзулар борлигини қайд қилиб ўтди. Бундай маъруза матнининг чоп этилганидан сўнг, баъзи миш-мишларга қараганда, тилга олинган ҳафтаномаининг муҳаррири ўз вазифасидан бўшатилди.

Бу пайтга келиб раҳбариятнинг юқори эшелонида сиёсий кураш анча кескинлашди. 1989 йил май ойининг иккинчи декадасида Чжао Цзянь шовшувли баёнот билан чиқди, яъни ислохотлар ва ташқи алоқалар кенгайишига қарши ҳаракат консерватив тенденцияси “буржуа либерализацияси” ғоявий оқими каби жамиятда хавфли бўлди, ва у худди шундай қарши зарбани талаб қилади. Март ойининг охирида Ли Пэн Дэн Сяопин билан бўлган суҳбатида ХКП МҚ бўлажак 13-чақириқ ИВ пленумида Чжао Цзянь ўз-ўзини танқид қилиб чиқиб, иқтисодий инқироз учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, сўнгра ХКП МҚ Бош қотиби лавозимидан кетиши кераклиги ҳақида гапиргани хорижда маълум бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш айтиш мумкинки, Хитойнинг янги тарихидаги энг муҳим хусусият бу, очиқлик ва ислохотлар сиёсатидир. Хитойга хос социалистик сиёсий тизимда, барча ислохотлар ва очиқлик асосида биргаликда шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Бир томондан очиқлик ислохотлар ва модернизация сиёсатини самарали равишда олиб бориш Хитойга хос социалистик ижтимоий тизимини шакллантиришга эҳтиёж уйғотган бўлса, иккинчи томондан, айнан шу тизим очиқлик, ислохотлар ва модернизациялаш даврини бошлаб берди. Бу эса Хитойнинг истиқболдаги янги режаларини амалга оширишга кенг йўл очиб берди.

ИИИ БОБ. ХИТОЙДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРЁНИ

1. Хитойда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида давлатнинг роли

Хитойда иқтисодиётнинг модернизациялашуви сиёсий либерализация билан бир вақтда кечиши аниқ белгилаб олинган. Хитой аввалига иқтисодни ислохотлаштириб ва ўн йилликлардан сўнг сиёсий тузум ислохоти ҳақида ўйлай бошлади, деган кенг тарқалган фикр аслида нотўғридир, “маданий инқилоб” ва Мао Цзе-дуннинг ўзга сиёсий мафкуравий қарашларининг маълум меросини бартараф этмай туриб иқтисодда бозор ислохотларини амалга ошириш мумкин эмас эди¹.

Ислохотларнинг биринчи босқичи (1978-1984й.й.) қуйидаги жараёнларни ўз ичига олган²:

1. Аграр тармоқнинг оилавий пудратга оммавий ўтишининг натижасида сўл ижтимоий тажрибалар маҳсули бўлган “асоси сифатида ишлаб чиқариш бригадалари мулки билан тузилган халқ коммуналлари мулкининг уч босқичли тизими”нинг ҳалокатга учраши;

2. Корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш ҳисобига давлат тармоғини жонлаштиришга бўлган илк сайъ-ҳаракатлар;

3. Жамоа мулки ҳуқуқларида давлат мулки билан “назарий” тенглаштириш;

4. Шаҳарларда бандлик муаммосини юмшатиш бўйича чоралар сифатида янги жамоавий укладнинг жадал ривожланиши;

5. “Социалистик ижтимоий мулкка” нисбатан якка меҳнат фаолиятини “фойдали қўшимча сифатида эълон қилиш”;

¹ Цзян Цземинь. О китайском социализме с китайской спецификой. – М., 2002. – С.54.

² Цзянли Юй. Шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи сянь шиин ды сяньдай цие чжиду (Создать соответствующую системе социалистической рыночной экономики систему современных предприятий) // Жэньминь жибао. 21.12.1993. – С.19-21.

6. Бевосита хорижий сармояларни жалб этилишини рағбатлантирувчи илк қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Хитой ислоҳотлари назарий ва амалий тамойилларини асослашада олимлар Сюэ Муцяо, Сюй Диминь, Дун Фужэн, Хэ Цзян Цзэминьчжан, Ду Жуньшэн, Юй Нуаньюань ва бошқалар Хитойдаги сиёсатнинг кўп укладлилигини назарий асослашга ўзларининг сезиларли хиссаларини кўшдилар¹.

Дэн Сяопиннинг фикрича ислоҳ қилиш курсининг илк босқичида сиёсий ислоҳотларнинг асосий мақсади нима бўлган – мазкур курсни мустаҳкамлашда уни етарли даражадаги узоқ тарихий муддатда амалга оширишни таъминлашда ҳисобланган.

Оқсоқол Хитой сиёсий тизимининг заифлигини ҳукуматнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлигида кўрган. Бундай марказлаштиришнинг илдизлари Хитойнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Хитой Компартияси нафақат бу анъанани мерос қилиб олди мустаҳкамлади, балки уни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, шахсий ва оилавий соҳасигача жорий қилди. Шунинг учун ўтган замоннинг меросини бартараф этиш аста секин бормоқда, мазкур йўл бўйича эҳтиёткорона ҳаракатланиш ортга чекиниш билан алмашиб келмоқда.

Ислоҳотлар курсининг илк босқичларида асосий эътибор Хитой Компартиясидаги ислоҳотларга қаратилган. Уларнинг асосий баҳонаси 50-60 йилларда умуммиллий мусибатларга олиб келган мутлақ ўзбошимчаликка қайтишнинг олдини олишга интилишдир. “Катта сакрашдан” сўнг кўплаб миллионларнинг ҳаётига зомин бўлган оммавий очлик, ўнлаб йиллар мамлакатдаги ижтимоий ҳаётни барқарорлигини издан чиқарган ва ҳукмрон партияга оғир зарба берган. “Маданий Инқилоб” ана шундай офатлар жумласидандир².

¹ Цзянли Юй. Шэхуйчжуи шичан цзинцзи тичжи сян шиин ды сяньдай цие чжиду (Создать соответствующую системе социалистической рыночной экономики систему современных предприятий) // Жэньминь жибао. 21.12.1993. – С.19-21.

² Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – С.76.

80-йилларнинг бошида асосий ўзгаришлар ҳукмрон партиянинг доираси ортида бўлиб ўтди. Уезд ва ундан қуйи бўлган маъмурий бирликларнинг халқ вакиллиги мажлисида тўғридан-тўғри сайлов, юқорироқ даражадаги қонуний ҳокимият органларида билвосита сайловлар жорий этилди. Халқ вакилларининг бутунхитой мажлиси ташкилотининг қонун чиқарувчи фаолияти ҳам фаоллашди. Провинциявий мажлислари минтақавий қонунларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Оддий мансабларни эгаллаш икки муддат билан чекланди. 8 та демократик партиялар (барчаси 1949 йилгача ташкил этилган) фаолияти кўп йиллик узилишдан сўнг тикланди. Аммо мазкур партияларга ҳақиқий сиёсий жараёнда иштирок этишнинг кўпроқ имкониятларини бериш ғояси қўллаб қувватланмади. Ҳукмрон партиянинг давлатдан ёки Хитойда айтилиши маъқул кўриладиган, ҳукуматдан ажралмаганлиги аввалгидек асосий муаммолигича қолди. Мазкур муаммонинг долзарблиги Дэн Сяопин томонилан 1978 йилда Хитой Компартияси Марказий қўмитасининг 11-чақириқ 3 пленумига тайёрланиш даврида таъкидланган эди. Хитой Компартияси Марказий қўмитасининг ишчи кенгаши ёпилишида якуний нутқ билан чиқиб, у илк бор Хитой Компартияси чексиз ҳокимияти, уни ҳаммага ва барча нарсага аралашинининг кўп йиллик амалиётини танқид қилди. Хитой Компартияси Марказий қўмитасининг 11-чақириқ 3-пленуми иши ҳақида берилган баённомада партиянинг яхлит раҳбарлигини сақлаб қолган ҳолда, партия, ҳукумат ва корхоналар вазифаларининг тақсимланмаганлигига, партия-ҳукуматни, ҳокимият эса, корхонали алмаштиришига яқун яшаш зарурияти ҳақида сўз юритилди.

1984 йилнинг октябрида Хитой Компартияси Марказий қўмитасининг 12-чақириқ 3-пленум тоғлардаги иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш ҳақидаги қарор қабул қилди. Шу тариқа иккинчи босқични эълон қилди.

1984 йилнинг октябридаги пленум эҳтиёткорлик ва ўйлаб иш кўриш курсини эълон қилди. 1985 ва 1986 йиллар номутаносибликни “тартибга

солиш даври” деб эълон қилинди. Бу пайтга келиб Хитой буғдой, пахта, кўмир ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринга, пўлат ва электр қуввати бўйича 4-ўринга, нефт қазиб олиш бўйича 5-ўринга чиқиб олди¹.

Хитой Компартиясининг 13-қурултойи (1987 йил октябр-ноябрь) “Хитой хусусиятидаги социализмни қуриш” курси ҳақида эълон қилди. Унда 2050 йилгача Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача кўрсаткичини аҳоли бошига жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатлари даражасигача етказиш масаласи эълон қилинган эди.

1981 йил шиори (“Режали иқтисод асосий, бозор иқтисодий эса иккинчи даражали”) 1987 йилда янги “Давлат бозорни тартибга солади, бозор эса корхонани йўналтиради” шиорига ўзгартирилди. 1988 йилда Хитой цемент ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринга чиқди. Саноатнинг ўсиш суръатлари тахминан 21 % ни ташкил этди.

Хитой Компартиясининг 13-қурултойидаёқ партия ва давлатнинг функционал ва кадрга оид аниқ лойиҳаларни таклиф этилган эди. Хусусан, маъмурий вазифаларни ҳукумат органларига топшириш орқали ва мазкур органларда парткомларни аста-секин йўқ қилиш йўли билан партия инстанцияларини маъмурий вазифалардан тўлиқ озод этиш мўлжалланган эди. Парткомларнинг вертикал тобеъликлари бора-бора горизонтал ҳудудий тобеълик билан алмашиши керак эди. Яккабошликни қўллаб қувватлаш мақсадида корхона ва ташкилотларда партия ва хўжалик маъмурий ҳокимиятни бўлиш ишлари бошланди.

Шундай чораларни ҳаётга тадбиқ эта бошладилар. Бироқ уларни амалга ошириш шароитлари 1989 йилги қўзғалон ва уни бостиришдан кейин кескин ёмонлашди. Бу воқеалар сиёсий ислохотларни кўп вақт тўхтаб қолишига олиб келди ҳамда партия ва давлатнинг янада жипслигига қайтишни, давлат ўрнини партия босишини рағбатлантирди.

1989 ёзининг сиёсий фожеаси мамлакатнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий тараққиёти ҳам бир қатор тўхтатиб қўйди. (ЯИМ фақатгина

¹ Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – С.80.

3,9 %га ўсди). 1989 йилда ҳам давом этган “иқтисодни тартибга солиш” курси қайтадан эълон қилинди. Бу даврда ЯИМ ҳажми 593,45 миллиард юандан (1983 йил) 2.663,81 млрд. (1992 йил) юангача, аҳоли бошига ЯИМ ҳажми 580 дан 2287 юангача ўсди¹.

Шундай қилиб, 1989-1991 йилларда (Тяньанмэндаги воқеалардан сўнг) мулк ислоҳоти борасидаги мунозаралар тўхтатилиб, муаммонинг ўзи ўша йиллардаги “фақатгина социализм Хитойни ривожлантириши мумкин” деган шиор руҳида сиёсий-мафкуравий оҳанг касб этади.

1992 йилнинг мартида Хитой Компартияси Марказий қўмитанинг сиёсий бюроси ялпи мажлисида Дэн Сяопин шундай деди: “Буларнинг барча қандай номланади, социализм ёки бозор иқтисодиётими?-дея ўзингизни мафкуравий ва амалий мавҳум бахслар билан кишанламанг”, иқтиодий тараққиётни тезлаштириш мақсадида онгни эркинлаштирмоқ, ислоҳотни ўтказишни жадаллаштирмоқ ва ташқи муносабатларни кенгайтирмоқни жиддийлаштириш лозимдир.

1990 йилнинг бошида Дэн Сяопиннинг мамлакат жанубига қилган машҳур сафаридан сўнг бозор иқтисодий ислоҳотлари жадал тезлашуви бошланди, сиёсий ислоҳотларнинг ортда қолиши янада яққоллаша борди. Ислоҳотлардан ютқазган ва зарар кўрган гуруҳларнинг ижтимоий зиддиятлари кескинлашди, турган гапки, ялпи тенглаштириш даврларини қўмсаш бошланди. Табиийки, бундай вазиятда кучлар жонланади, жумладан, биринчи навбатда, ҳукмрон партия аъзолари орасида эски тартибларга қайтишга даъват этувчилар бош кўтарадилар. Хитой раҳбарияти бир томонлама бозорга йўналтирилганликдаги камчиликларни бартараф этиш, иқтисодий-сиёсатга каттароқ ижтимоий йўналиш беришга интилан вақтда улар айниқса фаоллашадилар².

¹¹ Чэнь Вэньхуй. Чжунго цзинци цзегоу гайлунь (О структуре экономики Китая). – Тайюань, 1994. – С.148.

² Ўша асар. – С.140.

Айнан ҳукуматга босим ўтказиш, уни имкон қадар чапга юришга ундаш мақсадида реал иқтисодий ислоҳотларга бўлгани каби эҳтимолли сиёсий имлоҳотларга қарши энг шафқатсиз хужумлар уюштирилади, - дея таъкидлайди тарих фанлари доктори Я.Бергер—“бундай хужумларда курсни умуман обрўсизлантириш ва нотўғрилигини исбот қилиш мақсадида ислоҳотларнинг амалсдаги ва ўта жиддий камчиликлари ва ҳисобдаги янглишишлари мутлоқлаштирилади”.

Шунга карамай мафкуравий чекланмаларининг таъсирига ортиқча баҳо бермаслик лозим, вақт ўтиши билан у муқаррар пасайиб кетади. Бунга кўп жихатдан Дэн Сяопин ва унинг ҳамфикрлари курул сифатида олган “амалиёт—ҳақиқатнинг ягона меъёри” ва унга мувофиқ бўлган “қора ва оқ мушук” прогматик концепцияси кўмаклашади. Шубҳасизки бундай ёндашув бозор ислоҳотларини ўтказишда кўплаб ғоявий тўсиқларни енгиб ўтиш имконини берди.

Кўпчилик мазкур ёндашув охир оқибат ислоҳотлар, асосан иқтисодий ислоҳотларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган чоралардан Хитой Компартиясининг 13-курултойидаёқ (1987 й) эълон қилинган, фундаментал бўлган мамлакат сиёсий тизимини модернизациялаш бўйича вазифани ҳал қила оладиган тузилмавий сиёсий ислоҳотни амалга ошириш имкониятини беради¹.

1987 йил Хитой Компартиясининг 13-курултойида илгари сурилган “давлат бозорни бошқаради, бозор эса корхонани кўзда тутиб иш қилади” шиори бозор иқтисодиётини яратиш курсига ўзгартирилди².

Шундай қилиб, 1992 йилда иқтисодий ислоҳотнинг 3-босқичи бошланди. (1992-2003 йй.).

Иқтисодий стратегиянинг асосий масалалари этиб қуйидагилар эълон қилинди:

¹ Чэнь Шуле, Дин Цзиньпи, Чэнь Найсин. 90 няньдай Чжунго гунъе (Промышленность Китая в 90-е годы). – Пекин, 1993. – С.179.

² Сунь Шанцин. Лунь цзинцзи цзегоу дуйцэ (О политике в области экономической структуры). – Пекин, 1984. – С.240.

- 1) корхоналар бошқарувини оптималлаштириш;
- 2) бозор муносабатлари жараёнини жадаллаштириш;
- 3) ислохотни ҳар томонлама чуқурлаштириш;
- 4) иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштириш.

Дэн Сяопиннинг ислохотлар йўлини тезлаштиришга бўлган чақириқлари, иқтисоддаги кўпик “асосий ҳавф” дея танқид қилиши Хитойдаги ислохотлаштириш соҳасига янгича тус берди, мулкый муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириш шулар жумласидан эди. 1992 йилдан бошлаб, хориж инвестицияларини жалб қилиш ичида портлаш самарасига эришилди. Акциядорлаштириш ва шу асосда Хитойда акция бозорини ривожлантириш янги поғонага кўтарилди¹.

1992 йилдан 1996 йилгача бўлган даврнинг ўзида давлат мулкига асосланган иқтисодиётнинг улуши мамлакатнинг ялпи саноат маҳсулотларида 51,5 дан 28,8 % гача тушиб кетди, шунга мувофиқ жамоавий мулк улуши 13,4 дан 30,8 % гача ўсди.

Мазкур даврда Ялпи ички маҳсулот 2.161,78 млрд. юандан (1991 йил) 7.446,26 млрд (1997 йил) гача аҳолининг бир кишиси учун Ялпи ички маҳсулот 1.879 дан 6.053 юангача ўсди.

Иқтисодий ислохотнинг учинчи босқичида ҳам кўп ҳолларда кэйсиан иқтисодий мактаби тавсияларига мувофиқ равишда янги доимо танқислигича қолаётган давлат бюджетидан фаол фойдаланиш орқали Хитойнинг иқтисодий тараққиёти юксалиб борди².

Дэн Сяопин бошлаган ислохотларни давом эттирган ҳолда, Хитой ҳукумати “иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг 9-беш йиллик ревжаси ва 2010 йилгача бўлган истиқболли-мақсадли дастурини” ишлаб чиқди. Мазкур энг муҳим ҳужжатлар 1996 йилнинг мартада УХВМнинг 8-чақириқ 4-сессиясида Дэн Сяопин ҳаётлик вақтидаёқ қабул қилинган эди.

¹ Сунь Шанцин. Лунь цзинци цзегоу дуйцэ (О политике в области экономической структуры). – Пекин, 1984. – С.159.

² Сюэ Муцяо.Вого гоминь цзинци ды тяочжэн хэ гайгэ (Урегулирование и реформа народного хозяйства нашей страны). – Пекин, 1982. – С.247.

Тўққизинчи беш йилликнинг (1996-2000 йй.) бош мақсади куйидагилардан иборат бўлган:

1. Модернизациянинг иккинчи босқичи стратегик масалаларни тўлиқ амалга ошириш ва 1980 йилга нисбатан 2000 йилга келиб мамлакат аҳолисининг тахминан 300 млн кишига кўпайиши шароитларила ўртача ялпи миллий маҳсулотни 1980 йилга нисбатан 44 баробар ошириш;

2. Асосан қашшоқликни тугатиш ва халқнинг ўртача ҳаёт даравжасини таъминлаш;

3. Корхоналарни замонавий режимга ўтказишни тезлаштириш ва дастлабки кўринишда социалистик бозор иқтисодиёти тизимини яратиш.

Истиқболли дастур 2010 йилда ялпи миллий маҳсулотни 2000 йилга нисбатан икки баробар кўпайтиришга, ўртамиёна турмуш даражаси негизида халқнинг фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаш ҳамда социалистик бозор иқтисодиётининг анча мукамал тизимини яратишга мўлжалланган¹.

1992 йилнинг октябр ойида Хитой Компартиясининг 14-қурултойи бўлиб ўтди, унда давлат томонидан макротартибга солиш ва макроназоратни амалга ошириши чоғида, манбааларни жойлаштиришда бозор таянч ролни ўйнаши учун мазкур тизим яратилатганлиги маълум қилинди. Хитой Компартияси марказий қўмитасининг 3-плenumида (1993 йил ноябрь) қабул қилинган. “Хитой Компартияси Марказий қўмитасининг социалистик бозор иқтисодиётини яратишнинг баъзи масалалари ҳақидаги қарори” кейинги кўплаб йиллар учун бош режа ва ҳаракатлар дастурига айланди².

Шу билан бирга, Дэн Сяопин иқтисодий, ижтимоий ва қисман маданий соҳада кучли либерализацияни ўтказа туриб, сиёсий-мафкурафий соҳада Хитой Компартиясининг монопол ўрнини сақлаб қолди.

¹ . Сюэ Муцяо.Вого гоминь цзинцзи ды тяочжэн хэ гайгэ (Урегулирование и реформа народного хозяйства нашей страны). – Пекин, 1982. – С.189.

² Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – М., 1992. – С.302; Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. - М., 1992. – С.89.

Ислоҳотларнинг аввалидаёқ Дэн Сяопин ҳеч қанақасига чекинмаслиги лозим бўлган “тўрт тамойил” ни илгари сурди.

Иқтисодий соҳадаги хўжалик бошқарувидаги камчиликлардан фойдаланиб, турли ноқонуний ишлар билан шуғулланувчи, алоҳида шаахслар, гуруҳлар ва хаттоки корхона ва муассасалари томонидан амалдаги иқтисодий фаолиятнинг бузулиши ҳоллари ҳам учраб турди¹.

Эшикларнинг очилиши билан Хитойга қандайдир ярамас нарсалар кириб келиди. Хитойнинг баъзи бир жойларида наркомания, фохишабозлик, хўжалик жиноятлари каби бузуқ ҳоллари пайдо бўлди. Бунга жиддий ёндошиб, унинг эркин тарқалишига йўл қўймаслик, ҳеч иккиланмай илдизини қуритмоқ ва йўқ қилмоқ зарур эди.

ХХР ташкил топгандан сўнг атиги уч йилда бу расвогарчиликни таг-туғи билан йўқотди. Жаҳонда ким опиум чекиш ва героинни истеъмол қилишга барҳам бера олган. Ҳатто Гоминдан ва бозор иқтисодиёти ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаган. Хитой учун ислоҳотларнинг моҳияти энг аввало, қишлоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобланган. Қишлоқ хўжалигига берилган нисбатан эркинликдан ташқари, халқ коммуналари аъзолари бошқа турдаги фаолият қишлоқ маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт хизматлари, хунармандчиликка оид саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ХХ асрнинг охири чорагида Хитой режали тақсимланган иқтисоддан бозор иқтисодиётига ўтди. Мамлакатда ўтказилган ислоҳотларнинг муҳим фарқланувчи хусусиятлари қуйидагилар ҳисобданади: биринчидан, социализмга расмий содиқлик сақланиб қолган шароитларда ислоҳотларни ўтказилиши; иккинчидан, мамлакатни саноатлаштириш ва модернизация қилиш муаммоларини ҳал қилиш билан бир вақтда, хўжалик механизмларини қайта ташкил этиш белгилаб олинган.

¹ Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – М., 1992. – С.59; Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – С.204.

2. Модернизация жараёнидан ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг роли

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, Хитой якка меҳнат хўжалиги негизида оммавий тус олган ишлаб чиқаришнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтди. Хитой раҳбарияти чиқишлари, партия қарорлари ва кўрсатмаларида ХКПнинг якка меҳнат фаолиятига нисбатан курси таҳминан шундай кўришинишида ифода этилди. Якка хўжаликнинг сиёсий мақоми ХКП кўрсатмалари билан белгиланган бўлиб, конституциявий ҳуқуқда қонуний мустаҳкамланди.

Ижтимоий онгни хусусий хўжаликни, сиёсий қонунлаштиришга тайёрлашда Дэн Сяопиннинг 1983 йилдан бошлаб нашрларда фаол ташвиқот қилинган инсонларнинг бир қисмини бошқалардан илгарироқ ўрта ҳолликка эришувини рағбатлантириш ҳақидаги тезиси маълум ролни ўйнади¹.

Қуйидагилар бундай қонунлаштиришнинг ўзига хос “босқичлари” бўлиб хизмат қилди:

- ХКП Марказий қўмитасининг ўн иккинчи чақириқ учинчи пленумида (1984 йил октябрь) қабул қилинган ХКП Марказий қўмитасининг иқтисодий тизими ислоҳоти ҳақидаги қарори;
- Мулкий муносабатлар ислоҳотини ХХР давлат кенгаши томонидан 1985 йилда хўжалик қайта қурилишининг муҳим масалалари қаторига расман киритилиши;
- ХКП Марказий қўмитасининг ўн иккинчи чақириқ учинчи пленумининг (1986 йил) социализмда турли иқтисодий укладлар, жумладан, носоциалистик бўлганларни ҳам ривожлантириш зарурияти ҳақидаги жиддий сиёсий қарори.

¹ Сунь Шанцин. Лунь цзинцзи цзегоу дуйцэ (О политике в области экономической структуры). – Пекин, 1984. – С.208.

1987 йилнинг октябр-ноябр ойларида ХКПнинг ХИИИ қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда қабул қилинган ҳужжатларга Хитой халқи тарихида охириги ўттиз йил ичида биринчи марта мамлакатда ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хусусий хўжаликларнинг “фаолият юритиши ва ривожланишига рухсат бериш” ҳақидаги тезис киритилди¹.

Хитойда хусусий бозор иқтисодиёти муносабатларини қонунийлаштириш ҳақидаги сиёсий қарорни қабул қилишда раҳбарият қуйидагилардан келиб чиқди:

1. Иқтисодий қолоқликни бартараф этиш учун Хитой реалияларига ҳар қанақасига мувофиқ бўлган, тарихан қолоқ бўлмаган, ишлаб чиқариш кучларини барқарор ўсишини таъминлашга лаёқатли бўлган мулк ва хўжалик юритиш шаклини ишлатишга интилишидан;

2. Хусусий хўжалик “ишлаб чиқаришни саноатлаштириш, тижоратлаштириш, умумлаштириш, модернизациялашнинг” юқорида даражаси билан тавсифланиб, натижада ва уклад унсурларига асосланган генезис, яқка хўжалик, майда кооперативларга нисбатананча юқори ишлаб чиқаришга эга бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда;

3. Товар пул муносабатларининг ривожланиши, бозорни тўйинтириш, ишга жойлаштириш ва ишсизлик муаммосини ҳал қилишда хусусий хўжаликнинг умумий ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда;

4. Кўп жиҳатдан ҳануз амалда бўлган давлат монополияси тузилмалари билан белгиланадиган макроиқтисодий шароитларида фаолият юритаётган хусусий тармоқ тўлиқ мустақил ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эмаслиги ҳолати кўзда тутилган².

Мазкур жараён ўз навбатида Хитойнинг қабул қилган давлат дастури асосида амалга оширилган эди. Давлат дастурининг муҳим босқичлари айнан Хитой тараққиётига хос бўлиб, ўзининг сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий тамойилларига мосланарди. Мазкур тамойиллар асосида Хитой

¹ Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – М., 1992. – С.88.

² Ўша асар. – С.80.

кўпгина давлатлар тажрибасидан фойдаланмаган ҳолда ўз тараққиётининг муҳим шаклини яратиб олди. Мазкур жараёнда Хитой дастлаб очик эшиклар сиёсати ҳамда унга монанд ҳолда марказлашган сиёсий тизимни тўлиқ ўз тизгинида сақлаб қолди. Мазкур сиёсий тизим давр ўтиши билан ўзининг қонуний-ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, кўпгина бозор тамойилларга мос келган ҳолда ривожланди. Мазкур ривожланиш жараёнида Хитой омили ва унинг ривожланиш йўли кенг миқёсда ўз тасдиғини топа бошлади. Бу жараёни биз Хитой тажрибасини ривожланаётган давлатлар тараққиёти дастурларида ҳам тўлиқ намоён бўлишида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Мазкур жараён ўз навбатида сиёсий ва иқтисодий кўламни қамраб олган бўлиб, Хитойнинг ривожланишига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий мезонларни ўзида бирлаштиради¹.

Давлат ислохотлари доимий равишда қонунчиликнинг назоратида бўлганлиги боис давлат миқёсидаги барча тармоқларни қамраб олган эди. Бу жараён давлат дастурининг қабул қилиниши режали асосда такомиллашиб борди. Шунингдек, ўзининг энг янги босқичига кўтарилди. Ислохотларнинг сиёсийлашуви унинг тартибли равишда бозор иқтисодиёти тамойилларига йўналтирилган ҳолда ривожланишини таъминлаб берди. Бу жараёнда Хитой тараққиётининг ижтимоий тизимини кўриб ўтиш мумкиндир. Мафкуравий таъзийқдан ҳоли бўлган бу тизим тўлиқ равишда ўзининг бугунги кундаги аниқ бошқарувини сақлаб қолди. Иқтисодий соҳада такомиллашувни янги технологиялар асосида ривожланишини таъминлаб берди. Унда Хитой тизимидаги такомиллашув ўзининг мақсадли ривожланишини тўлиқ асослаб олди.

Хитой социалистик тизимни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти тизимни амалга оширди. Бу эса тараққиёт ривожланишидаги энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган Хитойнинг бугунги кундаги мавқеини белгилаб

¹ Bowles, Paul and White, Gordon. The Political Economy of China's Financial Reform. – San Francisco. 1993. – P.78.

берди. Иқтисодий нуқтаи назардан Хитой ўрта ҳоллар жамиятини яратишда фуқаролар ва давлат ўртасидаги ҳамоҳанглик муносабатларини яратди. Натижада жамият барқарор ривожланишни бошдан кечирди.

Хитой давлат дастурининг ривожланишида ўрта ҳол фуқаролар жамиятини қуриш Хитойнинг собиқ раиси ХКПнинг бош котиби Ху Цзинтао маърузасида аниқ белгилаб қўйилган эди. Жамият фуқароларни иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорлигини оширишга қаратилган мазкур жараён аниқ, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Алоҳида таъкидлаб ўтилган тармоқлардан иқтисодий ўсишни замонавийлаштириш ва саноатлаштириш халқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш давлатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини барқарорлигини таъминлаш, унинг функцияларини ва тамойилларини муайян шароитга мослаштириб олингандир. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш стратегияси жамият қурилишининг ҳамоҳанглигида унинг илмий концепциясига таяниб ривожланади. Хитой иқтисодий ва ижтимоий стратегияси фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга демократик-ҳуқуқий, адолатли жамият яратишда инсон омили энг олий ўринда туриши белгилаб олинган. Бу омиллар концепциянинг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради¹.

Хитойнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий моделини давлат томонидан амалга оширилиши бозор иқтисодиёти тамойилига бўйсунди. Хитойнинг сиёсий ислохотлар стратегияси социализмнинг хитойча моделига мослангандир. Хитой моделини ривожлантиришда давлатнинг ҳиссаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни бекиёслигини кўрсатиб берди. Тарихий ривожланиш босқичларида давлатнинг улуши тобора қисқариб бормоқда.

¹ Ма Хун. Икао кэсюэ цзишу цзиньбу шисянь вого шэхуйчжуи сяньдайхуа (Опираясь на научно-технический прогресс, осуществить социалистическую модернизацию нашей страны). // Жэньминь жибао. 24.05.1991. – С.24-26.

Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий доктаринаси ўзида иқтисодий соҳани тўлиқ эркинлаштиришга қаратилганлигини кўрсатиб берди. Бу эса иқтисодий демократиянинг янги мезонларини белгилаб беради. Хитойнинг иқтисодий ривожланишини назарда тутган ҳолда давлатда амалга оширилган ислохотларнинг миқёси бугунга келиб, ўзининг бекиёслиги билан ажралиб турибди.

Социалистик тузум йўналишида бозор иқтисодиёти тамойилларини қўлланилиши Хитойда кўп укладли иқтисодий тизимини шакллантирди. Ижтимоий-сиёсий назорат остида давлат ва партия раҳнамолигида Хитойнинг иқтисодий тараққиёти муҳим ўринга чиқа бошлади. Ислохотларнинг дастлабки йилларида қабул қилинган концепциялар кейинчалик босқичма-босқич ўзгартирилди. Унга янги лойиҳалар киритилди. Бу лойиҳаларнинг тадрижий равишда бозор иқтисодиёти билан ҳамоҳанглигини англашиб турсада, янги кўламда иш шарт-шароитларини бошқаришга сабаб бўлди¹.

Бундай шарт-шароитларда социалистик бозор иқтисодиётини шакллантириш уни ҳар томонлама мақсадга йўналтирилишини таъминлаб берган эди. Иқтисодий ва ижтимоий шароитларни кўзлаган ҳолда унинг барча тизгинини ўзида такомиллашиши Хитой моделига асосланган ижтимоий концепцияни яратиб берди. Бу концепция асосида Хитойнинг тараққиёт модели ишлаб чиқариш тармоқларида ўзининг мазмун ва моҳиятига эга бўлди. Тараққиёт хусусиятларини ўзида акс эттира олган Хитой хусусий мулкчиликнигина шакллантириб қолмасдан йирик корхоналарни ҳам ўзининг давлат дастурида кўзда тутилган тамойиллар билан бирга ривожланишини таъминлаб берди.

Хитойнинг ривожланиш давлат дастури ўз йўналишини таъминлаган ҳолда қуйидаги тамойилларни асосий мақсад қилиб белгилаб олганди:

¹ Лю Гогун. Гайцзао цзинцзи тичжи моши, ваньшань шэхуйчжуи чжиду (Преобразуя модель хозяйственной системы, совершенствовать социалистический строй). // Цзинцзи яньцзю. 1984. № 12. – С.18-22.

1. Иқтисодиётнинг турли хил ривожланган шакллари ва усуллари халқ хўжалигининг тармоқларида қўллаш;

2. Кўп босқичли тизимга ўтиш ҳамда хусусий тадбиркорликка эркин шароитлар яратиб бериш;

3. Иқтисодий такомиллашиш жараёни янада ривожлантириш билан бирга унинг асосини маъмурий бошқарувини янада такомиллаштириш;

4. Иқтисодий тараққиётнинг босқичма-босқич ривожланишига давлат ва жамоатчиликнинг аралашувини камайитириш, унинг систематик тарзда ривожланишини тўлиқ кузатиб бориш.

Маъмурий жараёнда иқтисодий ва ижтимоий таҳлилларни асосли равишда кузатиб боришга қаратилган сиёсат давлат томонидан унинг бошқарилишига катта аҳамият берди. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида бозор механизмларини тўлиқ равишда қамраб олганлигидан далолат беради¹.

Давлатнинг манфаатлари жамият манфаатлари ва шахс манфаатларини кўзлаган ҳолда умуммиллий даромадни кўзлаган ҳолда иқтисодий тамойилларни такомиллашишида тўлиқ қўллаб қувватлайди. Иқтисодиёт тизимини ташкилий томонларинигина эмас, балки маъмурий бошқарувдаги жавобгарликни хис қилиш уни моддий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан тўлиқ қамраб олади.

Янги иқтисодий модел Хитой жамиятини ўз навбатида режали хўжалик асосида ривожланишдан юқори босқичга олиб ўтиши мумкиндир. Мазкур жараёнда иқтисодий манфаатларни кўзламаган ҳолда уларни механизмларини яратиш муҳим омил ҳисобланади. Бу эса Хитойда умуммиллий иқтисодий тизимни шаклланишига олиб келади. Умуммиллий иқтисодий механизм ўз ичига қуйидаги тамойилларни киритади:

¹ Лю Пэйцзун. Чжунго цзинци да цюйши. (Мегатенденции китайской экономики). – Гонконг, 1997. – С.178.

Биринчидан, иқтисодий тараққиётни миллий манфаатлар асосида ривожланиши унинг кўпгина тармоқларга йўл очиб беришини таъминлайди. Шунинг билан бирга бозор иқтисодиётининг муҳим институтларини шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, иқтисодий жараёни назорат қилиш ва уларга эркин фаолият учун шароит яратиш давлат томонидан амалга оширилади.

Учинчидан, хўжаликларни фаолиятини бошқариш ҳамда режа асосида маъмурий ва ҳуқуқий асоснинг таъминланишига шароит яратиб берилади. Мазкур шарт-шароитлар асосида ижтимоий ҳамкорлик қилиш субъектлари билан тўлиқ ҳуқуқий асос яратилади.

Иқтисодий-ижтимоий ва экологик муаммоларни ХХРнинг раҳбарлари ҳамда олимлари катта сакрашларсиз амалга ошириш муҳим ижтимоий зарурият деб биладилар. Реал шарт-шароитлар асосида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий концепция мамлакатнинг ичида ҳамда халқаро миқёсда тўла-тўқис ўзининг амалий натижасини бермоқда. Ижтимоий соҳадаги давлат ислохотлари ўзининг қуйидаги асосларига эгадир. Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг ўзига хос йўлдан боришини қонуний асослантириши, давлат ва хусусий сектор рақобатлашувига олиб келди. Бу ҳолат пул-товар муносабатларида катта ўзгаришларга олиб келиб, давлат режасини ҳамда бозор муносабатлари конъюнктурасини тўлиқ ривожланишига олиб келди¹.

Аҳолининг меҳнатига яраша ҳақ тўланиши, унинг ижтимоий муҳофаза қилиниши умуммиллий фаолиятга, кўпгина аҳолининг қуйи қатламларига ҳам эркинликлар яратиб берди. Мамлакатда юридик ахлоқий ҳамда сиёсий тўсиқлар у ёки бу гуруҳ томонидан таъқиблар олиб ташланди. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида ўз тараққиётини белгилаб олган Хитой аҳолининг қуйи қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатини кенг миқёсда таъминланишига катта

¹ Гао Шанцюань. Чжунго ды цзинци тичжи гайгэ. (Реформа экономической системы в Китае). – Пекин, 2007. – С.146.

аҳамият берди. Мазкур жараён мамлакатда хусусий секторнинг турли тармоқларини ривожланишига катта сабаб бўлди. Ўз навбатида Хитойда шаклланган бозор муносабати аҳолининг қуйи ҳамда юқори табақалари ўртасидаги ижтимоий тафовутнинг кескинлашувига катта таъмир кўрсатмади, балки улар ўртасидаги уйғунлашувни янада ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Умуммиллий урф одатларин ҳисобга олган Хитой шарт-шароити ўз навбатида катта йўқотишларсиз миллий манфаатларга таянган ҳолда ўз иқтисодиётини янада ривожланишига ҳамда таракқий этишига катта ҳисса қўшди.

Бозор муносабатларини ривожланишида хусусий секторга ҳамда тадбиркорларга кенг йўл очиб берган давлат уни либераллашувини янада такомиллаштирди. Шахсий меҳнат фаолиятини давлат аралашувисиз ривожлантириш жараёни Хитой учун маъқул йўл эди. Аҳолининг иш танлаш ҳуқуқи ўз навбатида ишга бўлган муносабати тобора ўзгариб борди. Мавсумий ҳолатлардан маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда аҳолининг меҳнатига яраша даромад топиши унинг кундалик эҳтиёжидан ҳам кўпроқ манфаатга эга бўлишини таъминлаб берди. Бу жараён ўз навбатида йирик ишбилармон гуруҳларнинг юзага келишида кенг йўл очиб берди¹.

Мазкур жараёнда хусусий мулкдорлар қонунчиликдан четга чиқмаган ҳолда ўз фаолиятларини эркин йўлга қўйдилар. Давлат молиялаштириш сиёсатини тўлиқ назорат қилиш билан бирга тадбиркорларга ва маълум субъект хўжаликларга кредитларни имтиёзли равишда ажратиб бера бошлади. Хусусан мазкур жараён билан боғлиқ бўлган мулкчилик тизимини шаклланиши ўз навбатида иқтисодий манфаатдорликни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожланишига олиб келди. Мулкдорлар синфи тўлиқ манфаатли равишда ўз ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя

¹ Говай гунъе сяньдайхуа гайкуан (Обзор модернизации промышленности за рубежом). – Пекин, 2009. – С.56.

кила оладиган бўлдилар. Бу жараён уларнинг ижтимоий муҳофазасини ҳам тўлиқ равишда таъминланишини аниқ белгилаб берди.

Иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи-назаридан сиёсий институтларнинг шаклланиши давлат корхоналарининг хусусийлашишига замин туғдирди. Жамиятнинг истеъмолчилик манфаати тобора ошиб борди. Уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда хусусийлаштиришнинг ўзига хос тармоғини янада ривожлантириш истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга катта имкониятларни яратиб берди. Бу жараёнга хусусий секторни аралашуви мамлакатни янада ривожланишига олиб келди¹.

Эркин ишлаб чиқариш жамоаларини ташкил топиши эркин таъминот бозорининг шаклланиши тадбиркорлар жамияти ўртасида уларни манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш юрита бошлади. Бундай фаолиятлар аҳолининг реал даромадларини ошиши билан бирга иқтисодий механизмларнинг узлуксизлигини тўлиқ таъминлаб берди. Аҳоли уй-жой таъминотида юқори ривожланган секторга алоҳида эътибор берилиши, манфаатли равишда замонавий уй-жойларни қурилишига олиб келди. Мазкур жараён билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий-иқтисодий такомиллашув ўз навбатида Хитой миллий иқтисодий тизимини ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Замонавий иқтисодий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда оҳирги ўн йил давомидаги Хитой иқтисодий тармоғида қўлга киритилаётган ютуқлар мамлакатдаги интенсив ривожланишнинг бозор тамойилларига тўлиқ мос келишидан далолат бериб турибди. Бу эса мамлакатда ишсизликни камайтиришга, ижтимоий муҳофазага, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этилишига кенг қамромли амалга оширилмоқда. Хусусий мулкчилик жараёнига давлат секторининг аралашмаслиги, иқтисодий тармоқдаги йўналишларнинг босқичма-босқич тараққий

¹ Гу Юаньян, Вэй Яньчжэнь, Ван Яоай. Шицзе цзинцзи цзыюющей дагуань (Обзор свободных зон в мировой экономике). – Пекин. 1993. – С.83.

топиши ўзаро манфаатдорлик ўртасидаги ижтимоий муносабатларни янги босқига олиб чиқди.

ИИИ боб бўйича хулоса

Мамлакатдаги ижтимоий уйғунлик жараёни у ёки бу синфнинг манфаатларини ҳуқуқий асосланиши ўз навбатида барча тармоқларнинг сифат босқичига ўтишини таъминлаб берди. Бу ҳолат билан боғлиқ бўлган иқтисодий омил ўз навбатида ишчилар синфи таркибини уларнинг сифат кўрсаткичларини алоҳида механизмларга ажратиб берди. Бу механизмлар орқали давлат сиёсати ва унинг тараққиёт босқичларини муҳим омиллар билан белгиланганлигини кўриб ўтишимиз мумкиндир.

Иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг кўламининг кўтарилиши натижасида бугунги Хитойда муаммолар тизгини ҳам юзага келган. Иқтисодий ислохотлар тизгини малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда бозор инфратузилмага мос равишда ишлаб чиқариш соҳасига хос бўлган миллий кадрларни тайёрлаш, иқтисодий манфаатдорликдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Мазкур тизимнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ўз навбатида давлат тараққиётининг ривожланишдаги муҳим босқичларини белгилаб беради. Унинг тараққиёт омилини белгиланиши фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий мезонларини ривожланишига олиб келади. Ўзининг юксак тараққиёт босқичига эга бўлаётган Хитой бозор инфратузилмасини ривожланишида ўзаро манфаатдорликни асосига қурилган. Хитойдаги иқтисодий барқарорлашув давлатнинг ички миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиради. Хитойдаги бозор иқтисодиёт тузулмаси ривожланишида ютуқлар билан бирга ўз навбатида камчиликлардан ҳоли эмас. Хитой бозор иқтисодиёти субъектлари орасидаги соғлом рақобат ва тенгликни таъминлашга катта эътибор қаратади. Шу мақсадда қуйидаги қонунлар қабул қилинган: адолатсиз

рақобатга қарши кураш тўғрисидаги қонун Хитой режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган пайтда қабул қилинганлиги билан катта аҳамиятга эга бўлди. Хитойда жамиятнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг иқтисодий фаолиятларга аралашувини тартибга солувчи ҳолатий асосга эга бўлган иқтисодий қонунлар яратилди. Бу қонунлар асосида давлат бозор иқтисодиётига маълум даражада аралашади бозор иқтисодиётида рўй берадиган ҳар хил кутилмаган салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида макроназоратни олиб боради.

Бозор тузилмаларини қишлоқ ҳудудларида пайдо бўлиши аввалига провинциялар даражасида, кейин эса бутун мамлакат миқёсида анъанавий хўжалик механизми қоидаларини бузди. Қишлоқларда бозор иқтисодиёти асосларининг мустаҳкамланиши маҳаллий ва провинция даражасида бозорга йўналтирилган бюрократиянинг шаклланиши билан кузатилди. Ислохотлар натижасини мувофиқ равишда баҳолаб амалга оширилаётган жараёнлардан моддий фойдани бевосита сезган маҳаллий мансабдорлар қишлоқдаги ноаграр тадбиркорликни кейинги ривожини қўллаб қувватлаб, ислохотларнинг энг мустаҳкам тарафдорлари қаторига қўшилдилар. Ниҳоят, ўтказилаётган ўзгаришлар Хитойнинг келажакдаги эволюциясини башорат қилиш имконини берувчи истиқболда таянч қодир бўлган “ўрта синф”нинг вужудга келишига кўмаклашди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мулкка эгалик тузумини модернизация қилиш, мулккий муносабатларнинг оммавий кетма-кетлигини таъминлаб бериб, бозор моделига ўтиш Хитойдаги иқтисодий тизим ислохотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Асосан ислох қилишга қартилган янгиликларнинг тажрибавий текширувига бўлган алоҳида мойиллик, ўз ўрнида хитой ислохотларининг доимийлик тимсолига айланди

ХУЛОСА

Хитой иқтисодий ислохотларининг концепциясига асосланиб, давлат томонидан олиб борилган ислохотлар ўзининг устувор йўналишлари билан ажралиб турди. “Бир мамлакат икки тизим тамойили”дан келиб чиқилган ҳолда бошқариб келинаётган ислохотлар самараси мамлакат иқтисодиётини дунёда етакчи ўринга чиқишида муҳим омил ҳисобланди. Хитой онгли эркинлаштириш ҳаракати мобайнида олдинги сиёсий ғоялар эмас, балки амалиёт тўғриликларнинг мезони, деб қаралди. Мамлакатдаги бу жараёнларнинг аксариятини қишлоқ ҳудудларида амалга ошириш лозим бўлган. Ислохотларнинг мақсад мазмуни деҳқонлар маъмурий ходимларнинг назоратидан озод бўлиб, ерда ўзларини мустақил хўжайин, деб ҳис қилишларидан иборат эди. Бозор муносабатлари шарофати билан аграр ислохотлар қишлоқларда керагидан ортиқ кучларнинг ўсишига олиб келди. Табиийки, шаҳар саноати ва хизматлар кўлами, транспорт ва қурилиш ишлари бу қадар улкан ўзгаришларга юз тутганлигидан кишини ҳайратга соларди. Шундай қилиб, давлат томонидан амалга оширилган модернизациялаш жараёнида қуйидаги ўзгаришлар юзага келди:

Биринчидан, мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг реал даражаси ва ривожланиш тузилмасини акс этувчи объектив жараёнларга сиёсий-ҳуқуқий тузулма асос қилиб олинди;

Иккинчидан, ХХРнинг умумжаҳон ривожланишининг қатъий талабларига жавоби, жаҳон бозори хўжалигига Хитойнинг аста секинлик билан кириб боришига сабаб бўлувчи омил ҳисобланди;

Учинчидан, аграр ҳудудларда саноат ва хизматлар соҳасининг ривожланиши қишлоқ ва шаҳарда истъемол талабининг тўйинишига кўмаклашди, экспорт базасининг аҳамияти кенгайди;

Тўртинчидан, қишлоқларда бозор иқтисодиёти механизми қоидаларининг мустаҳкамланиши маҳаллий бозорларга йўналтирилган бюрократиянинг шаклланиши билан кузатилди;

Бешинчидан, ислохотларнинг мақсади иқтисодиётнинг ортида қолаётган мутлоқ устувор режали бошқаруви билан тўлдиришдан иборат эди. Қайта қуришнинг бошланғич босқичидаги энг сўнгги қатламларгача етиб боришини таъминлаб берди;

Олтинчидан, Хитойда халқ хўжалигининг “қизиб кетишига” қарши курашга йўналтирилган “иқтисодиётни соғломлаштириш ва тартибга солиш” сиёсати Хитой раҳбариятидан аввалги кўрсатмали режалаштиришнинг нуфузли ролини қайтадан жонлантириш ва бозорнинг бошқарувчи ролини фақатгина иқтисодиётнинг микро даражаси билан чеклаб қўйишга мувофақ бўлди;

Еттинчидан, ислохотлар йилларида Хитой қайта қуришнинг барча тармоқларида етарли даражада олға силжиди. Хусусийлаштириш бўйича халқ хўжалиги тизими тубдан ўзгартирилди. Иқтисодиётнинг микро даражаси жиддий трансформацияга учради. Яхлит бозор тизимини яратиш Хитойдаги ислохотнинг марказий бўғинларидан бирига айланди. Макро иқтисодий бошқарув тизмида муҳим янгиланишлар амалга оширилди;

Саккизинчи, давлат томонидан модернизация жараёни бир неча босқичларда амалга оширилди. Хитой Компартияси марказий қўмитаси социалистик бозор иқтисодиёти тизимини яратишнинг баъзи масалаларининг қонуний асосини яратиб берди;

Тўққизинчи, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида давлат томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳар томонлама таъминланиб, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун моддий ва маънавий томондан инфратузилмалар яратиб берилди;

Ўнинчи, давлатларнинг тарихий ва маданий урф-одатлари ўзига хос ривожланиш йўли ва ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос ҳуқуқ тизими яратилди. Айниқса, сўнгги 30

йиллик “очиқ эшиклар” ва ислохотлар сиёсати натижасида Хитойга хос социалистик ҳуқуқий тизими юзага келди. Давлатда ўрнатилган ижтимоий тизимдан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳуқуқ тизими яратилди. Хитой Халқ Республикаси социалистик давлатдир. У ишчи синф томонидан бошқарилади. Социализмнинг энг аввалги босқичида Хитой асосий иқтисодий тизимни яратади.

Ўн биринчи, корхонлар бошқарувини тўлиқ автоматлаштириш ва бозор муносабатлари жараёнини жадаллаштириш давлат томонидан устувор йўналиш деб қабул қилинди. Ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уни тезлаштиришда нодавлат тармоқларининг улуши оширилди. Бугунги кунда Хитойдаги модернизация жараёни умумжаҳон бозор трансформациясининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 177.

ИИ. Асосий адабиётлар

3. ХИИ Всекитайский съезд Коммунистической партии Китая. Пекин. 1982.

4. Гао Шанцюань. Чжунго ды цзинцзи тичжи гайгэ. (Реформа экономической системы в Китае). – Пекин, 2007. – 346 е.

5. Говай гунье сяньдайхуа гайкуан (Обзор модернизации промышленности за рубежом). – Пекин, 2009. – 426 е.

6. Говай нунье сяньдайхуа гайкуан (Обзор модернизации сельского хозяйства и за рубежом) – Пекин, 1979. – 358 е.

7. Гу Ваньнань. Цзюши няньдай гао кэцзи юй "863" цзихуа. (Высокие технологии 90-х годов и план "863"). – Пекин. 1990. – 384 е.

8. Гу Юаньян, Вэй Яньчжэнь, Ван Яоай. Шицзе цзинцзи цзыноцую дагуань (Обзор свободных зон в мировой экономике). – Пекин, 1993. – 388 е.

9. Дэн Лицунь. Сян Чэнь Юнь тунчжи сюэси цзо цзинцзи гунцзо. (Учиться ведению экономической работы у товарища Чэнь Юня) – Наньчан, 1981. – 422 е.

10. Дэн Сяопин вэньеюань. Ди сань цзюань. (Избранное Дэн Сяопина. Том 3). – Пекин, 1993. – 412 е.

11. Е Юаньцзин. Чжунго цзинцзи гайгэ лилунь люпай. (Теоретические школы китайской экономической реформы). – Чжэнчжоу, 1994. – 322 е.

12. Ли Цзинвэнь (Часу бянь). Цзоу сян 21 шицзи ды Чжунго цзинцзи. (Ли Цзинвэнь (гл. ред.). Экономика Китая на пути в 21-й век). – Пекин, 1995. – 406 е.

13. Лю Гогуан (Чжу бянь). Гоминь цзинцзи цзунхэ пинхэн ды жогань лилунь вэньти (Некоторые теоретические проблемы комплексного балансирования-народного хозяйства). – Пекин, 1981. – 378 е.

14. Лю Пэйцзун. Чжунго цзинцзи да цюйши. (Мегатенденции китайской экономики). – Гонконг, 1997. – 358 е.

15. Мао Лиянь, Чэнь Юнминь. Дэн Сяопин цзинцзи тэцзюй сысян яньцзю (Изучение идей Дэн Сяопина о специальных экономических зонах). – Сямэн, 1995. – 298 е.

ИИИ. Қўшимча адабиётлар

16. Бовлес, Паул анд Ухите, Гордон. Тхе Политисал Эсономй оф Чинаъс Финансиал Реформ. Сан Франсиссо. 1993. р.178 Чан, Стеве. Эаст Асиан Дйнамисм. Гроуѳх, Ордер, анд Сесуритй ин тхе Пасифис Регион. – НЙ. 1993. – 206 р.

17. Чинесе Эсономй Пост-Мао. Волуме 1. Полисй анд Перформансе. – Вашингтон, 2005. – 258 р.

18. Чинаъс Эсономис Дилеммас ин тхе 1990с. Тхе Проблемс оф Реформс, Модернизатион анд интердепенденсе. – Нью Ёрк. 2003. – 378 п.

19. Дабровски, Марек анд Антсзак, Пафал. Эсономис Транситион ин Руссия, тхе Украине анд Беларус ин Сомпаративе Перспестиве. – Варсау. – 2005 п.

20. Эсономис Полисй. А Эуропеан Форум. Супплемент 19. Лессон фор Реформ. – Самбридге, – 2004 п.

21. Ганг Йи. Монеи, Банкинг анд Финансиал Маркетс ин Чина. – Боулдер, 1994. – 56 p.
22. Голдстоне, Жаск. Тхе Соминг Чинесе Соллапсе. Форейгн Полисй. – Вашингтон: Суммер, – 2 006 p.
23. Хуанг Йашенг. Wхй Чина вилл Нот Соллапсе. Форейгн Полисй. – Вашингтон: Суммер, 2012. – 418 p.
24. Жин, Лерой. Монетарй Полисй анд Десинг оф ФинансиальИнститутионс ин Чина, 1978-1990. – Охфорд, 2004. – 358 p.
25. Лардй, Ничолас. Чина ин тхе Ворлд Эсономй. – Вашингтон, 2003. – 204 p.
26. Лау Лавренсе . Моделс оф Девелопмент. А сомпаративе Студй оф Эсономис Гроувтх ин Соутх Кореа анд Тайван. – Сан Франсиско. 2004. – 288 p.
27. Лин Сйрил. Проспестс фор Ларге Стате-Овнед Энтерприсес: Хов Шоулд Тхей Бе Овнед анд Манагед? Ресеарч Папер пресентед ат 433д Вилтон Парк Сонференсе он "Чинаъс Эсономис Реформ: Тхе Состс анд Тхе Бенефитс", 27 Фебруарй - 3 Марч 2005. – P.34.
28. Наисбитт Жоҳн. Мегатрендс ин Асиа. Тхе Эигхт Асиан Мегатрендс Тхат аре Чангинг тхе Ворлд. – Лондон. 2005. – 344 p.
29. Наугхтон, Баррй. Денг Хиаопинг: Тхе Эсономист. Чина Куартерлий. – Лондон. 2009. – 402 p.
30. Наугхтон, Баррй. Гроуинг оут оф тхе План. Чинесе Эсономис Реформ 1978-1993. – New Ёрк. 2008. – 450 p.
31. Баженова Е.С. Китай в демографическом измерении. – М., 1992, – 143 с.
32. Балюк И.А. Реформа внутренней торговли в Китайской Народной Республике. – М., 1992. – 188 с.
33. Дейч Т.Л. Китай и Африка: Время перемен (80-е годы). – М., – 1992, – 197 с.

34. Зубарев А.Е. Качество продукции в условиях экономической реформы: теоретические аспекты опыта КНР. СПб., 1992, – 173 с.

35. Фан Лэй (Чжу бянь). 2000 нянь Чжунго чанье дицзюй буцзюй яньцзю. (Фан Лэй (гл. ред.). Исследование проблем регионального размещения производства в Китае в 2000 г.). – Пекин. 1993. – 348 е.

36. Фань Ган, Чжан Шугуан, Гунъючжи хунгуань цзинцзи лилунь да ган. Макроэкономика общественной собственности). – Пекин. 1990. – 276 е.

37. 95. Фан Ецянь, Ли Иньши. Сюйцю фачжань ды шэхуй (Ищущее развития общество). – Пекин. 1988. – 268 е.

38. Фань Маофа. Тяочжэн гайгэ сылу кайчуань гайгэ синь цзюймянь (Урегулировав концепцию реформы, создать новую ситуацию в области реформы) – Гайгэ. 1989. – 352 е.

39. Цзинлянь. Шичан цзинцзи ды пэйюй хэ юньцзо (Формирование и функционирование рыночной экономики). – Пекин. 1993. – 344 е.

ИВ Даврий нашрлар

40. Ван Чжо. Чжунго цзинцзи тичжи моши луньган (Основы модели хозяйственной системы Китая) // Цзинцзи яньцзю. 2007. №11. – С.18-22.

41. Вопросы национального строительства в КНР (80-е годы). Сб. статей. – М., 1993, – С.21-26.

42. Вопросы собственности и экономической политики в КНР на современном этапе. Сб. статей. – М., 1993, – Е.175.

43. Лю Гогуан. Гайцзао цзинцзи тичжи моши, ваньшань шэхуйчжуи чжиду (Преобразуя модель хозяйственной системы, совершенствовать социалистический строй) // Цзинцзи яньцзю. 1984. №12. – Е.22-25.

44. Лю Жисинь. Цзихуа цзинцзи юй шичан тяоцзе цзэнъян цзехэ (Как соединить плановую экономику с рыночным регулированием) // Гуанмин жибао. 16.12.1989. №8. – Е.16-20.

45. Ма Хун. Икао кэсюэ цзишу цзиньбу шисянь вого шэхуйчжуи сяньдайхуа (Опираясь на научно-технический прогресс, осуществить

социалистическую модернизацию нашей страны) // Жэньминь жибао. 24.05.1991. – Е.12-17.

46. Чжунгун чжунъян вэньцзянь: чжун фа 1993 лю хао. (Документы ЦК КПК: документ №6 за 1993г.) // Чжунго далу яньцзю. – Тайбэй. 1994, №2. – Е.32-36.

47. Чжунгун чжунъян гуаньюй цзяньли шэхуйчжуи шичан цзинци тичжи жогань вэньти ды цзюендин (Постановление ЦК КПК о некоторых вопросах создания социалистической рыночной экономики) // Жэньминь жибао. 17.11.1993. – Е.10-04.

48. Чина ин 2010. Тхе Чина Бусинесс Ревью. – Вашингтон. Жануарй-Фебруарй 1995, Р.16-17.

49. Снина Лонг Терм Девелопмент Иссуес анд Оптионс. - А Ворлд Банк Соунтри Эсономис Репорт. — Балтиморе. 1985.

50. Чинаъс Транситионал Эсономй. Спесиал Иссе. // Чина Куартерлий. Десембер 2002. №144. – Р.32-36.

51. Тхе Чинесе Эсономй ин тхе 1990ъс. Спесиал Иссе. // Чина Куартерлий. Септембер 2003 .№ 131. – Р.24-28.

52. Ши Чжаоюй. Гуаньюй саньбу фачжань чжаньлюе мубяо ды сыкао (Размышления о стратегической цели развития в три шага) // Жэньминь жибао. 08.06.1996. – Е.22-24.

ИВ. Интернет сайтлари

53. И сессия Всекитайского собрания народных представителей Китайской Народной Республики четвертого созыва (документы). 1975. (www.чинесехисторй.сн).

54. И сессия Всекитайского собрания народных представителей Китайской Народной Республики пятого созыва (документы). 1978. (www.чинесехисторй.сн).

55. XII Всекитайский съезд Коммунистической партии Китая (документы). 1977. (www.снс.пеопле.сн).

56. ХИИ Всекитайский съезд Коммунистической партии Китая. 1982. (www.cnс.пеопле.сн).
57. Документы ХВИ Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. 2012. (www.cnс.пеопле.сн).
58. Документы ХВИИ Всекитайского съезда коммунистической партии Китая. 2008. (www.cnс.пеопле.сн).
59. Документы ХИИИ Всекитайского съезда Коммунистической партии Китая (1987 г.). 1988. (www.лог.гов.сн).
60. Ли Пэн. Доклад о работе правительства. Зачитан на 1-ой сессии ВСНП ВИИИ-го созыва 15 марта 1993 г. (www.чинесе.йабла.сом).
61. Ли Пэн. Доклад о работе правительства. Зачитан 10 марта 1994 г. на 11-ой сессии ВСНП ВИИИ-го созыва. 1994. (www.беижингситй.сн).
62. Ли Пэн. Доклад о девятом пятилетнем плане экономического и социального развития и перспективно-целевой программе до 2010 года. Зачитан 5 марта 1996 г. на ИВ-ой сессии ВСНП ВИИИ созыва. 1996. (www.есо.пеопле.сн).
63. Материалы ВИИИ Всекитайского съезда Коммунистической партии Китая. 1956. (www.сомпартй.сн).
64. Постановление ЦК КПК относительно реформы хозяйственной системы. 1984. (www.реформесоммерсиал.сн).